**Узбекистон Республикаси**
**олий ва урта махсус таълим вазирлиги**

**Жиззах Политехника институти**

**Холбекова М, Ёдгоров З.**

# ДАВЛАТ ВА ХУКУК

# НАЗАРИЯСИ

**(маърузалар матни)**

**Жиззах-2010**

## Аннотация

Давлат ва хукук назариясини предмети жамиятда давлат ва хукукнинг пайдо булиши ва ривожланиш конунятларини, мохияти, шакллари, прициплари, функсияси, Сиёсий, хукукий онгни ва хукукий тартибга солишни ургатади. бу фан барча хукукшунослик фанлари учун медалогик умумназарий масалаларни асосий тушунчаларни, тамоилларни ва талимотларни урганади. Бу масалалар барча хукукшуностлик фанлари учун таълуклидир.

**Тузувчилар:** **Холбекова М, Ёдгоров З**
**Тақризчилар:** **Абдусаидова И**
**Ортиқов О**

## Давлат ва хукук назарияси 1 кисм

МУНДАРИЖА.

1.Давлат ва хукук назариясининг предмети ва усули.
2.Жамият, давлат ва хукукнинг муносабатлари.
3.Давлатнинг мохияти ва белгилари.
4.Давлат шакиллари.
5.Давлат функциялари.
6.Давлат хокимятини амалга ошириш механизми.
7.Хукукнинг тушунчаси ва мохияти.
8.Хукукий онг.
9.Хукук ижодгорлиги.
10.Хукук нормалари.
11.Хукукнинг шакллари.

## Давлат ва хукук назарияси 2 кисм

1. мавзу Хукукий муносабатлар.
2. мавзу Хукук тизими.
3. мавзу Хукукни тадбик этиш.
4. мавзу Хукук нормаларини шархлаш.
5. мавзу Хукукий тартибга солиш механизми.
7. мавзу Хукукбузарлик.
8. мавзу Юридик жавобгарлик.
10. мавзу Узбекистонда демократик хукукий давлат куриш.

## 1. Мавзу ДАВЛАТ ВА ХУКУК НАЗАРИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛИ.

1. **Давлат ва хукук назариясининг предмети.**
2. **Давлат ва хукук назариясининг усули.**
3. **Давлат ва хукук назариясининг ижтимой фанлар тизимида урни.**
4. **Давлат ва хукук назариясининг функциялари.**

1. Давлат ва хукук назарияси предмети ва усулига эгадир.
Фаннинг предмети у урганадиган масалаларнинг йигиндисидир.

Методи эса шу фан предметини урганиш усулларидир. Бу фан жамиятда давлат ва хукукнинг пайдо булиш ва ривожланиши конуниятларини ургатади. Шунинг учун бу фан барча хукукшунослик фанлари учун медалогик умумназарий масалаларни асосий тушунчаларни, тамоилларни ва талимотларни урганади. Бу масалалар барча хукукшуностлик фанлари учун таълуклидир.

Давлат ва хукук назарияси амалиёт билан узвий богликдир. Кишилик жамиятининг ривожланиш тараккиётида бу фан давлат ва хукукнинг пайдо булиш ва ривожланиш конунятларини боитиб боради. Давлат ва хукук хар бир жамят ижтимоий тараккиётининг мухим курсаткичидир. Узбекистонда бозор иктисодиётига утаётган хозирги вазияда турли иктисодий, сиёсий, маърифий ислохатлар утказишда, демакратик хукукий давлатни шакллантиришда бу фан мухум ахамиятга ега.

Давлат ва хукук назариясини предмети жамиятда давлат ва хукукнинг пайдо булиши ва ривожланиш конунятларини, мохияти, шакллари, прициплари, функсияси, Сиёсий, хукукий онгни ва хукукий тартибга солишни ургатади.

Давлат ва хукук назарияси фани куйидаги хусусиятларга эга.

Биринчидан, бу фан ижтимоий фан булиб, сиёсий юридик фандир. Чунки уни урганадиган сохаси жамятда энг мухими ижтимоий ходисалар давлат ва хукук масалаларини пайдо булиш ва ривожланиш конунятларидир.

Иккинчидан, бу фан умумназарий фан, зеро у жамятда давлат ва хукукнинг пайдо булиш ва ривожланиш умумий конунятларни очиб беради.

Учинчидан, бу фан фалсафий хусусиятга эга. Чунки давлат ва хукукнинг пайдо булиш ва ривожланиш конунятларни фалсафанинг
(диаллектик ва тарихий материаллизм) конунларига асосан урганади.

Туртинчидан бу фан амалиёт билан богликдир. Чунки у Узбекистонда демакратик хукукий ислохатларни амалга оширишда назарий асос булиб хизмат килади. У шахс жамят, давлат ва хукукнинг ролини оширишда амалий харектерга эга.

Бешинчидан, бу фан укув - тарбиявий ахамиятга эга. Чунки у кишиларнинг жамят, давлат ва хукук тугрисидаги билимини оширмасдан, балки уларда хукукий билим, хукукий тарбия, хукукий онг ва хукукий маданиятни ривожлантиришга ёрдам беради.

**Давлат ва хукук назариясининг усули-** деганда бу фан урганадиган предметни илмий урганиш йулларига айтилади. Бу усуллар давлат ва хукукнинг мохияти, вазифалари, функциялари ва ривожланишига илмий билиш учун хизмат килади. Бу фан уз предметини умумий ва хусусий усуллар оркали урганади.

Умумий усул бу фалсафий (диалектик ва тарихий материализм) конунятларига асосан давлат ва хукук масаларини урганишдир. Диалектиканинг 3-та асосий конуни булиб, улар карама - каршиликлар бирлиги ва кураши конуни, микдор узгаришларнинг сифат узгаришларга утиши ва инкорни инкор килиш конуни ососида давлат ва хукукнинг пайдо булиш ва ривожланиши урганилади.

Фалсафий усулга асосан хавлат ва хукукни урганиш- бу ижтимой ходиса, булар бошка ижтимоий ходисалар инсон билан жамят хаётининг ижтимоий, иктисодий, сиёсий ва мафкуравий

шороитлари билан богликдир. Бундан ташкари давлат ва хукук доимо ривожланишдадир. Жамият тараккиётининг хар бир янти боскичга кириши - давлат ва хукукнинг янги боскичидир. Бунда давлат ва хукук мохиятига кура эски боскичнинг ижобий тамонини саклаб, янги тажрибаларни туплаб ижтимоий белгилари билан уз функсиясини бажаради. Бунинг исботи учун бир тамондан кулдорлик ва феодал давлат ва хукукини, иккинчи тамондан хозирги копиластик давлат ва хукукни солиштириш мумкин.

Давлат ва хукук назариясининг умумий усули билан бир каторда, унинг хусусий илмий усуллари хам мавжуд. Бу усулларга куидагилар киради. мантикий усул, сиёсий усул, тарихий усул, социологик усул, системалий усул,кибернека ва бошка усуллар.

**Мантикий усул.** – Давлат ва хукук масалаларини мантик илмининг тафаккур ва билиш конунятларининг усул ва воситаларига асосан ургатади. Давлат ва хукук масалаларни урганишда мантикий усулдан фойдаланиш булар хакидаги илмий хулосалар чикаришга имкон беради.

**Киёсий усул.** -- бу давлат ва хукук хакидаги тушунчалар ходисалар узора солиштирилиб, улар уртасидаги ухшашлик ва фарклар аникланади. Бу усулнинг фанда ва амалиётда ахамияти жуда каттадир. Масалан давлат ва хукукнинг хар бир типи (кулдорлик, феодал, буржуазия) аввалгисига нисбатан ижобийдр.

**Тарихий усул.** – Давлат ва хукук масалалари тарихий ривожланишнинг турли боскичларида урганилади. Бунда кишилик жамиятининг турли даврларида содир булган вокеалар, ходисалар, тарихий манбалар конунлар, алохида ишлар буйича суд корорлари урганилади.

**Социалогик усул.** – Давлат ва хукук масалаларини урганишда алохида далиллар ва фактлар асосида урганилади. Бу усул алохида суроклар оркали урганишни, анкеталар ёрдамида маълумотлар туплаш статистикадан фойдаланилади.

**Кибернитик усул** -- Давлат ва хукук сохасида ахборат беришда математик - статистик усулларни куллаган холда хукукий статистика ва ахборатларни компитерлар ёрдамида кайта ишлашда турли хил техника воситаларидан фойдалинади.

3. **Давлат ва хукук назариясининг ижтимоий фанлар тизимида урни.** Бу фан укув фани сифатида турли ижтимоий ва юридик фанлар билан узвий богликдир. Айни вактда давлат ва хукук назарияси бошка фанлардан фарк килади. Буларнинг муносабатларини куриб чикамиз. Иктисодий назария ва давлат хукук назарияси. Иктисодий назария фани жамиятнинг базисини ургатади. Ишлаб чикариш муносабатлари, хужалик сохаларини ташкил этиш, молия, кредит ва бошкалар. Давлат ва хукук назарияси жамиятда усткурманинг мухим кисми булган давлат ва хукукнинг пайдо булиши ва ривожланиш конуниятларини урганади.

Фалсафа ва давлат ва хукук назарияси. Фалсафа табият ва жамият ривожланишининг умумий конуниятларини ургатади. У жамият инсон, давлат ва хукук масалаларни умумий таризда, ижтимоий тариз деб ургатади. Давлат ва хукук назарияси эса фалсафанинг конунятларига асосан жамиятда конуниятларини ургатади. Бу фанлар бир - бирини такрорламайди. Балки тулдиради. Фалсафа давлат ва хукук ходисаларининг билиш калитидир. Давлат ва хукук назарияси эса фалсафани материаллари билан куроллантиради, ижтимоий тараккиёт ва озодликнинг умумий тамоилларини белгилаб беради.

**Социология ва давлат ва хукук назарияси.**

Сиёсатшунослик сиёсатни, унинг шаклларини, сиёсий фаолияти ва сиёсий бирлашмаларни шу жумладан партияларни, сиёсий давлат хокимияти фаолиятини, фукоралик жамяти, давлат ва шахснинг узоро хукукий муносабатларини ургатади. Давлат ва хукук назарияси бевосита давлат ва хукук масалаларини ургатади.

Давлат ва хукук назарияси барча юридик фанлар билан узвий богликдир ва уз предмети билан улардан фарк килади. Давлат ва хукук назарияси давлат ва хукук тарихи узвий богликдир. Тарих утмишда ва хозирги вахтда давлат ва хукукнинг пайдо булиш ва ривожланиш тарихий жараёнини ургатса, давлат ва хукук назарияси давлат ва хукукнинг пайдо булиш ривожланиш конуниятларини ургатади.

Давлат ва хукук назарияси сиёсий ва хукукий таълимотлар тарихи билан богликдир. Чунки сиёсий ва хукукий таълимотлар тарихий утмишда ва хозирги вахтда давлат ва хукук тугрисидаги турли сиёсий, хукукий карашларни ургатади. Давлат ва хукук назарияси шу материяллардан фойдаланиб давлат ва хукук масалаларини ургатади.

Махсус юридит фанлар фукоралик хукуки, Конституциявий хукук, жиноят хукуки, мехнат хукуки, маъмурий хукуки, ва бошкалардан давлат ва хукук назариясини богликлиги буларга умумназарий, методологик рахбариу фандир. Уз навбатида бу ван махсус юридик фанларнинг материалларидан давлат ва хукук масалаларига назарий хулосалар чикаришда фойдаланади. Шундай килиб давлат ва хукук назарияси фани жамятда давлат ва хукукнинг пайдо булиши ва ривожланиши умумий конуниятларни ишлаб чикишда ижтимоий ва юридик фанлар билан узвий богликдир.

4. Давлат ва хукук назариясининг функсиялари. Бу фан жамиятда давлат ва хукукнинг пайдо булиши ва ривожланиши конуниятларини ургатар эка у уз олдига куйилган вазифани бажариш учун куидаги функсияларни бажаради.

1. **Илмий билиш функсиялари**. Давлат ва хукук масалаларини илмий асосда органади. Бунда давлат ва хукукга таалукли конуниятларни очиб, уларни назарий ва амалий жихатдан анализ килиб мухум хусусиятларини курсатиб беради. Давлат ва хукук масалалари илмий равишда тадкик килиб келгусида унинг ривожланиши хакда илмий прогнозлар беради.

2. **Амалий билиш функсияси**. Бу фан давлат ва хукукни пайдо булиш ва ривожланиш конуниятлари назарай жихатдан очиб бериб уни турмиш амалиёти билан боглаб олиб боради. Масалан давлат ва хукукни такамуллаштиришда конунийликни ривожлантириш ва уни турмушда куллаш ишларини яхшилашда тавсиялар беради.

3. **Методологик функция**. Бу фан барча хукукшунослик фанга нисбатан методологик умумрахбарий функсияни бажаради. Давлат ва хукук назариясини давлат ва хукук конунийлик ва хукукий тартибот хукукий муносабат, хуукбузорлик, юридик жавобгарлик ва бошка тушунчалар барча юридик фанларга таолуклидир. Шунинг учун бу фаннинг давлат ва хукукка таалукли барча назарий масалалари юридик фанлар учун методологик асос булиб хизмат килади.

4. **Гоявий - тарбиявий функция.** Бу фан давлат ва хукук масалаларини умуминсоний кадриятлар турли миллий мафкура ососида урганади. Давлат ва хукукнинг халкаро микёсда тан олинган принсиплари бор. Демакратик хукукий давлат куриш, давлатни идора этишда барча охоли тенглик, эркинлик асосида иштироки, халклар ва миллатлараро дустлик, инсоннинг уз хохиш иродасини билдириши, озчиликнинг купчиликка буесиниши, барча фукораларнинг тенг хукуклилиги, давлат асосий идораларининг сайланиши, уларга сайловчиларга хисоп бериши, давлат ва жамят бошкарувида конун устунлиги ва бошкалар.

Узбек миллий давлат ва хукукини пайдо булиш ва ривожланишини турли мафкура асосида, шарк фалсафаси (ислом таълимоти), тарихий хукукий мерос ва тажриба асосида урганади.

## 2. Мавзу Жамият, Давлат ва хукукнинг муносабатлари.

1. **Жамият ва унинг ривожланиш боскичлари.**
2. **Давлатнинг пайдо булиш сабаблари.**
3. **Давлатнинг пайдо булиш хакида турли назариялар.**

1. Жамият - бу инсонларнинг манфаатлари ва эхтиёжларини кондириш максадида, уларнинг узара бирлашуви ва кишилар уртасида иктисодий, ахлокий, диний ва маънавий ва бошка ижтимоий муносабатларнинг йигиндисидир.

Кишилик жамиятининг тараккиётига таъсир килувчи кучлар куйидагилардан иборат;

1. Иктисодий куч- бунга жамиятдаги ишлаб чикариш куроллари, ишлаб чикариш кучлари ва ишлаб чикариш муносабатлари киради.

2. Сиёсий куч - бунга жамиятдаги сиёсий, хукукий ва манавий асослар киради.

3. Мафкуравий куч - жамиятдаги барча гоялар, карашлар йигиндисидир. Жамиятнинг субъекти булиб фукоролик, миллат.элатлар, синфлар,гурухлар ва табакалар катнашади. Жамиятда биологик конунлар эмас, ижтимоий конунлар харакат килади. Жамиятнинг асосини кишиларнинг маълум жамиятга бирлаштирувчи унинг иктисодий тузилиши (моддий) асосини ташкил этади. Бундан куйидаги 3 та холат келиб чикади. Биринчидан кишилик жамияти турли ижтимоий иктисодий боскичларга (кулдорлик, феодал, капиталистик, социалистикка) булинади. Иккинчидан ижтимоий турмуш иктисодий, сиёсий ва маънавий каби мухим сохаларга булинади. Учинчидан ижтимоий муносабатнинг субъектлари шахс, оила, миллат, элатлар, синф ва турли иабакалар унда иштирок этади.

Жамиятда ижтимоий ва сиёсий хокимият мавжуд. Ижтимоий хокимият бу ибтидоий жамоа тузуми давлатсиз жамиятга таалуклидир. Ибтидоий жамоа тузумининг тузилиш таркибини уруг фратрия ва кабила ташкил килган. Уруг бу кишиларнинг уон ва тил жихатидан, якин булган иттифокидир. Бир неча уруг бирлашиб фратрияни (лотинча уюшма), бир неча фратрия бирлашиб кабилани ташкил килиди. Буларнинг уруг, фратрия ва кабилани умумий йигилишида сайлаб куйилган, хаёт тажрибасига эга булган ва жамоа аъзоларининг хурматига лойик булган оксоколлар кенгаши бошкарган. Ибтидоий жамоа тузимида кишиларнинг тенглик , озодлик ва кардолик, демократик коидалари мавжуд булиб, улар тенглик, озодлик ва кардошлик демократик коидалари мавжуд булиб, улар тенглик, озодлик ва биродорлик асосида тартибга солинар эди. Бу турмуш коидалари барча жамият аъзоларининг манфаатига мос булиб, улар томонидан онгли равишда бажарилган.

Жамиятда ижтимоий ишлаб чикаришнинг тараккиёти, хусусий мулкчиликнинг пайдо булиши ва бу билан боглик булган жамиятнинг карама -карши синфларга булиниши жамиятни давлат оркали бошкариш-сиёсий хокимият шаклига олиб келади..

Кишилик амиятнинг тараккиётининг кейинги боскичи бу давлатли жамиятдир. Кулдорлик давлат экспулатацияга асосланган биринчи давлатдир. Бу давлат хукмрон синф кулдорлар синфини манфаатларини имоя киладиган сиёсий хокимиятдир. Кулдорлар ишлаб чикариш воситалар, ишлаб чикариш махсулотлари ва ишлаб чикарувчи куч хисобланган мазлум синф кулларга хусусий мулк тарикасида эгалик килган.

Жамиятнинг маълум тарихий шароитида кулдорлик ишлаб чикариш усули тараккиёт талабларига жавоб бермай колди, у феодал ишлаб чикариш усули билан алмашди. Кулдорлар давлати урнига феодал давлати пайдо булди. Феодал жамиятининг асосий синфлари хукмрон синф феодаллар, карам синф крепостной дехуонлардир. Феодаллар ишлаб чикариш курол ва воситаларига тула , ишлаб чикараш куч хисобланган крепостной дехконлар эса киман эгалик килган. Демак феодал ерини текинга ишлаб беришга, уз ерида етиштирилган хосилдан солик тулашга мажбур булган.

Кишилик жамиятнин маълум тарихий шароитда феодал ишлаб чикариш усули капиталисик ишлаб чикариш усули билан бу усул эса социалистик усул билан алмашади. Демак кишилик жамияти 5 та ижтимоий иктисодий боскичларга булинади (ибтидоий жамоа тузими, кулдорлик, федал, капиталистик ва социалистик). Шулардан давлатсиз жамият(кулдорлик, феодал, капиталистик ва социалистик) дир.

## 2. <u>**ДАВЛАТНИНГ ПАЙДО БУЛИШ САБАБЛАРИ.**</u>

Давлат ибтидоий жамоа тузимида ишлаб чикариш куроллари ривожланиб мехнат тахсимотини пайдо булиш яъни овчилик, чорвачилик, хунармандчилик ва совдагарчиликни ажралишига олиб келади. Бу хол аввал хукм суриб келган куп оилаликка бархам бериб, жамиятда аёллар хукмронлиги инкирозга учраб якка ойлаликка эркаклар хукмронлигигига олиб келди. Бу

оилалар кулида ишлаб чикариш куроллари ва махсулотлар тупланади. Натижада ибтидоий жамо тузимидаги умумий мулк урнида хусусий мулк пайдо булиб бу билан жамият карама - карши синфларга булиниб давлат пайдо булди. Давлат жамиятдан пайдо булиб, у иштимоий ходиса булиб, объэктив конуниятдир.

Давлат жамиятдаги барча синф, миллат, элат, табора ва халкнинг иктисодий сиёсий ва гоявий жихатдан хукумронлик килувчи сиёсий ташкилотдир. Фанда дастлабки давлатлар Йвропа китасида пайдо болган деган фикрлар мавжуд. Аслида эса дастлабги давлатлар бизнинг эрамизга кадар булган 4-3 минг йилларда Эвропада эмас шаркда Мессонотомия, кадимги Мисрда, Хиндистон, Хитой ва Марказий осиёда пайдо булган.

Давлат ибтидоий тузимидаги ижтимоий хокимиятдан куидаги белгилар билан фарк килади.

1. Давлат фукораларнинг худудий белгисига караб булинади. Ибтидоий жамоа тузимида кишиларнинг уруг ёки кабилага мансублиги кон- кориндошлигига караб аникланар эди. Давлат пайдо булгандан кейин фукоралар худудий белгига караб яъни кайси давлат худудида яшашига караб хукук ва бурчларини амалга оширади.

2. Сиёсий хокимиятнинг таъсир этилиши. Бунга давлатнинг зурлик кучи билан унинг вазифаларини амалга оширадиган зурлаш аппарат барча давлат органлари, армия, политция, турма ва бошка муассасалар мавжуд. Булар иптидоий жамоа тузимида йук эди.

3. Давлат сиёсий хокимиятни саклаш учун фукоралардан солик олади. аъзоларининг иззат-хурматига асосланган булса, энди давлатнинг зурлик Иптидоий жамоа тузимида уруг азоларининг обру-эътиборига, жамият кучига таянади.

4. Давлат суверинитети (мустакиллиги) мавжудлиги. Хар бир давлат мустакил холда узининг ички ва ташки фазифаларини амалга оширади.

5. Ибтидоий жамоа тузимидаги ижтимоий нормалар урнида хукукнинг пайдо булиши.

3. <u>Давлатнинг пайдо булиши хакида турли назариялар.</u> Бу назариядан бири патриархал назариядир. Унинг вакиллари Аристотель, инглиз юрист олими Генри мен, рус социологи Н. Михайловский ва бошкалар. Бу назарияга асосан, давлат жамиятда оиланинг тараккий этиши натижасида пайдо булган, Оиладан уруг кабила-давлат пайдо булган. Оилада бошлик ота булса, давлатда бошлик монархдир. Монарх хокимияти чекланмаган хокимиятдир.

Шартнома назарияси. Бунинг вакиллари Голландиялик Гуго Троций, Англияда Локк, Францияда Жан Жак Руссо, Россияда Рагихев булган . Бу назарияга кура давлат халк томонидан монарх билан тузган шартномага асосан пайдо булган. Бу назария Ж.Ж.Руссонинг “Ижтимоий шартнома” китобида асослаб берилган.

Зуровонлик нгазарияси. Бунинг вакиллари австралиялик юрист олим Л.Гумплович, немис назариётчиси Е. Дюринг, россиялик К.Каутскийдир. Бу назарияга асосан давлат бир кабила иккинчи кабилага уришиб босиб олиш натижасида пайдо булган.

Марксча-Ленинча таълимотга асосан давлат ибтидоий жамоа тузимининг емирилиши, унда мехнат таксимоти хусусий мулкнинг пайдо булиши у билан жамият карама-карши синфларга булиниши натижасида пайдо булган.

Шундай килиб курамизки давлатнинг пайдо булиши хакида турли назариялар мавжуд булиб, бу масалани турлича талкин килади.

## 3. Мавзу ДАВЛАТНИНГ МОХИЯТИ ВА БЕЛГИЛАРИ

**1. Давлатнинг мохияти ва белгилари.**
**2. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг урни.**
**3.Президент И.А.Каримовнинг асарларида давлат ва хукук масалалари.**

1.Давлатнинг мохияти ва белгилари. Шура даврида Марксча- Ленинча таълимот давлатни хукмрон синф мазлум синфни эксплуатация килувчи- зуровонлик диктатураси деб келинади. Хозирги вахтда давлат зуровонлик диктатураси булмасдан жамиятдаги барча синф, миллат ва эллатларнинг умуминсоний ва миллий белгилари- диний, касби ва бошка ижтимоий чикишлардан катий назар уларнинг манфаатларини ифодалайди.

Давлатнинг мохияти бу жамиятдаги барча синф, сиёсий партия, табака гурух, миллатлар ва элатлао учун хизмат килишдир. Бундан чикадиган хулоса шуки, давлат зуровонлик сиёсати булмасдан унинг асосий умуминсоний вазифаларини амалга ошириш биринчи уринга чикади. Давлат синфий мохзиятини йукотгани йук, у факат иккинчи уринга чикди.

Далат жамиятдаги барча кишиларнинг сиёсий уюшмасидир. Давлат хокимияти умуминсоний ва миллий манфаатларга асосланган сиёсий хо-кимятдир. Бу сиёсий хокимят давлат аппарати ёки давлат механизми деб аталувчи – давлат органлари- конун чикарувчи орган парламент, ижро етувчи орган- хукумат, куролли кучлар, политця. Миллий ховсизлик ва хукукни мухофаза этувчи органлар суд, прокатура ва ички ишлар органлари оркали амалга оширилади.

Давлат жамият усткурмасининг сиёсат, дин, фалсафа ва бошкалари билан узвий богликдир. Давлат хукук билан хам богликдир, чунки хукук давлатнинг олдида турган иктисодий, сиёсий ва маданий вазифаларни амалга оширишда курол булиб хизмат килади. Хукук жамиятнинг иктисодий тузимини мустахкамлаб турли мулк шаклларини куриклайди. Хукук кишиларнинг гоявий жихатдан тарбиялаб, ижтимоий онгни шаклларидан, санъат, дин, фалсафа, ахлок ва бошкалар билан боглик болиб, ахолини маънавий жихатдан тарбиялайди.

Давлат сиёсий вазифаларни бажарувчи жамиятдаги бошка муассасаларни ва ташкилотлар (сиёсий партиялар, касаба уюшмалар, ташкилотлар, жамоа бирлашмалари билан боглик ва улардан фарк килади).

2. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг урни. Жамиятнинг сиёсий тизими – бу давлат органлари, муассасалари, кархоналар, турли сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоа бирлашмалари, миллий жамоалари ва хукукий нормалар йигиндисидир.
килувчи суд, прокуратура, адлия, ички ишлар, миллий хавфсизлик о Давлат жамиятнинг сиёсий тизими ичида ососий орнини эгаллайди. У махсус сурлик хокимиятга эга булган сиёсий ташкилот булиб, унинг худудидаги барча фукораларга давлат тилида иш олиб бориб, сиёсий хукмронлигини урнатади. Давлат зурлик кучи билан мустакилхолда ички ва ташки сохада вазифаларни амалга оширади.

Давлат жамиятнинг бошка сиёсий ташкилотлардан куидаги белгилар билан фарк килади.

1. Давлат жамиятдаги барча синф, миллат, эллат ва табакаларнинг сиёсий ташкилотидир. Аммо давлат уларнинг ягона сиёсий ташкилоти эмас. Жамиятда давлатдан ташкари турли сиёсий партиялар, касаба уюшмалар, бирлашмалар мавжуд. Агар давлат жамиятдаги кишиларнинг сиёсий ташкилоти булса, бошка ташкилотлар айрим гурухларни касби, диний караши, сиёсий- ижтимоий карашлари буича бирлаштиради ва уларга хизмат килади.
2. Давлат ахолини маъмурий худудий бирликларга булиб, уз хокимиятини маъмурий-хуудий принципии асосида амалга оширилади. Масалан; Узбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилиши жихатидан вилоятлар, туманлар, шахарлар, шахарчалар, кишлоклар, овуллар ва Караколпогистон Республикасидан иборат. Жамиятдаги бошка сиёсий ташкилотлар кишиларнинг турар жойларидан катъий назар, этикодига, касбига ва бошка ижтимий белгиларига караб бирлаштиради. Масалан; сиёсий партиялар фукороларни этикодига караб, касаба уюшмалари касбига караб бирлаштиради.

3. Давлат жамиятининг сиёсий, хужалик ва маданий хаётга рахбарлик килувчи давлат органларига эга. Масалан; Узбекистонда Олий давлат хокимият органи Олий Мажлис, махаллий давлат хокимият органлари, вилоятлар, туманлар ва шахарларда хокимлар бошчилик киладиган халк депутатлари Кенгашларидир. Сиёсий ижро этувчи орган- давлат бошлиги ва вазирлар махкамасининг раиси Президент, махаллий ижро этувчи орган- вилоят, туман ва шахар хокимларидан иборат. Узбекистон хукукни мухофаза рганлари мавжуд. Бу органларнинг чикарган норматив ва хукукий хужжатлари жамиятнинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

4. Давлат хукук ва хукукий нормалар кабул килади. Буларни бажариш барча фукоролар учун, жамиятнинг барча сиёсий ташкилотларининг аъзолари учун мажбурийдир.

5. Хар бир давлат худудида миллий давлат тилининг мавжудлиги. Масалан; Узбексистон Республикасида давлат тили узбек тилидир. Давлат ишлари, барча жамиятнинг сиёсий ташкилотларида ишлар давлат тилида олиб борилади.

Жамиятнинг сиёсий, тизими давлат ва жамиятнинг сиёсий ташкилотлари тузилишидан иборат, у оркали кишилар, гурухлар, табакалар ва жамоат бирлашмалари манфаатларини мустахкамлайди. Жамиятнинг сиёсий тизими жамиятнинг иктисодий ва сиёсий кучлари каби ижтимоий ва миллий тузилишини мустахкамлайди. Жумладан Узбекистон Республикаси озирги бозор иктисодий сиёсатига утиш даврида демократик хукукий давлат курар экан, иктисодий, сиёсий, маърифий ва хукукий сохаларда турли ислохатлар утказиб, давлат олдида турган ички ва ташки вазифаларни мустахкамламокда. Узбекистон мустакилликка эришгандан кейин давлат ва сиёсий тизимига бозор иктисодиёти билан боглик булган бир канча давлат органлари пайдо булди. Масалан, Мудофаа ва Ташки иктисодий алокалар вазирликлари, миллий хавфсизлик хизмати, давлат солик ва божхона кумитаси, давлат мулкини бошкариш ва хусусийлаштириш, кимматбахо металлар, фан ва техника кумиталари, турли концернлар, холдинг, компания ва бошкалар тузилди.

Демак, жамият сиёсий тизимининг вазифалари куйидагилардан иборат:

1. Жамиятнинг сиёсий тизими – давлат вазифаларини амалга оширишда халкнинг иктисодий, сиёсий ва маърифий сохаларини яхшилашга ёрдам беради.
2. Давлатнинг ички ва ташки функцияларини амалга оширади.
3. Жамиятнинг сиёсий тизимига кирувчи барча тузилмаларни давлат, унинг органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмаларини бирлаштириб, давлат вазифаларини амалга оширади.
4. Жамиятнинг сиёсий тизимига кирувчи барча тузилмаларни давлат, унинг органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмаларини бирлаштириб, давлат вазифаларини амалга оширади.

## 3. Президент И.А.Каримовнинг асарларида давлат ва хукук масалалари.

И.А.Каримов узининг биринчи асари “Узбекистоннинг уз истиклолва тараккиёт йули”да (1992) давлатга куйидагича таъриф беради: “Узбекистон – келажаги буюк давлат. Бу мустакил, демократик, хукукий давлатдир. Бу инсонпарварлик коидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий ахволи, сиёсий эътикодларидан катий назар фукароларнинг хукуклари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”. Бу асарда И.Каримов халк давлат хокимиятининг манбаи эканлигини курсатиб шундай дейди: “Халк давлат хокимиятининг манбаидир. Унинг хохиш иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамият фаравонлигини, Узбекистон барча фукароларининг муносиб турмушини таъминлашга каратилган булиши керак.”

Бу асарда янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иктисодий ва турмуш тарзини эркин танлаб олиш кафолатини курсатиб, жамиятнинг сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва маънавий сохаларини очиб беради. Буларни куриб чикамиз;

А) Сиёсий сохада халк манфаати учун хакикий демократик принципларни куллаш, коун чикарувчи, ижро этувчи ва суд хокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш; барча ахолининг манфаатларини кафолатлайдиган хукукий давлатни барпо этиш.

Куч ижроя хокимияти булишлиги; конунийлик в хукук тартиботини мустахкамлаш халкнинг миллатидан катъий назар хукук ва бурчларини химоя килиш, турли мафкуралик, куппартиявийлик ва бошкалар.

Б)Иктисодий сохада кудратли иктисодиётни барпо этиш; барча мулк шаклини хукукий тенглигини таъминлаш, иктисодиётни ута марказлаштириш ва яккахокимликка бархам бериш, корхона ва ташкилотларнинг хукукларини химоя килиш, табиатни ва экологияни уриклаш.

Ижтимоий ва маънавий сохада инсонпарварлик гояларига содиклик, маънавият ва ахлокийлик кайта тиклаш; кадимги ва замонавий бойликларни мустахкамлаш, узбек тилини ривожлантириш дин эркинлиги, ахолининг энг ночор катламларини ижтимоий химоя килиш, умумий таълимни ривожлантириш.

Бу асарда И.А.Каримов оила жамият ва давлатнинг асоси деб ёзади. У бу хакида шундай дейди% “ Оила жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимиз хам катта бир оиладир. Оила турмуш ва виждон конунлари асосида курилади. Оилада маънавий асосда ягона аклланади. Бу эса олий даражада маънавий кадрият, инсон калбини гавхаридир”.

И.А.Каримов “Буюк максад йулида огишмайлик” (1993) асарида бозорга утиш учун модели хакида бунда у барча бозорга утиш жахон давлатларининг тажрибасидан ва узимизнинг миллий хусусиятларидан фойдаланиш миллий истиклол мафкурасини яратиш ва хаётга, татбик этиш масалалри куйилди. Бу асарда Узбекистон бозорга утиш учун машхур беш принципини куйилишидир. Булар иктисоднинг сиёсат устидан давлат бош ислохати эканлиги, конун устиворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, бозор муносабатларига боскичма-боскич утиш. Бу принциплар И.А.Каримовнинг 1993 йилда ёзилган “Узбекистон бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули” асарида янада ривожлантирилди. И.А.Каримов 1995 йилда “Узбекистоннинг сяыиёсий ижтимоий ва иктисодий истикболининг асоий тамоийлари” асарида демократия бош йлимиз унинг хусусиятлари, фукоролик жамият куриш, масаласи куйилди. Бунда хукукий маданиятни ва маънавиятни ривжлантиришни куйди. Хуукий маданият даражаси факатгина конунларни билиш, хукукий маълумотлардан хабардор булиш эмас. У конунларга амал килиш ва уларга буйсунишдир. У одил судни хурмат килиш, уз хак-хукукларини химоя килишдир”.

И.А.Каримовнинг 1997 йилда чиккан “Узбекистон ХХ! Аср бусагасида; хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари” асарида давлат ва хукук масалаларини янада ривожлантиришни куйди. Узбек миллий давлатчилигини ва хукукни шакллантириш ва унинг мудофаа кобилиятини янада мустахкамлаши куйди. УРси мустакилликка эришгандан кейин узбек давлатчилигини ички ва ташки вазифаларини мустахкамлашни талаб килади. Чунки Узбекистон демократия кадриятларини, шахснинг хукук ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иктисодини барпо этишни танлади. Буни амалга ошириш учун эски мафкуравий тоталитар тузимини бутунлай бузиб ташлаб иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва хукукий сохаларда ислохат утказилиши керак.

УзРси суверен давлат булиб 8.12.1992 йилда янги Конститутцияни кабул килди. Унда Давлат тузимини , давлат хокимият органлари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини, фукороларнинг хукук ва эркинликларини, жамиятнинг ривожланишининг иктисодий негизлари ва стратегик йуналишларини конуий белгилаб берди.

Бу хакда И.А.Каримов “Конститутция суверен давлатимизнинг конунчилик хукукий негизининг шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустакил давлатчилигимизнинг куйидаги масалаларни куйди.

1. Хокимиятлар булиниш принципи асосида ташкил топган конун чикарувчи (Узбекистон Олий мажлиси) ижро этувчи (Президент) ва суд хокимиятини янада мустахкамлаш.
2. Узбекистон бозор иктисодий муносабатларига утиш даврида эски вазирлар урнида янги ижро этувчи органлар хужалик бирлашмалари, уюшмалар. Концериалар, холдинг компаниялар ташкил килинди.

3. Давлат хокимияти махаллий органларининг янги тизими хокимлар тузилди. Бунда жойлардаги ижро этувчи хокимият билан вакиллик хокимияти рахбарлиги бирлаштирилди.
4. Махаллаларда уз-узини бошкарадиган фукоролар йигини ташкил этилди. Уларнинг ролини янада ошириш керак
5. Узбекистонда янги хукукни мухофаза килувчи органла. Миллий хавфсизлик органи. Куролли Кучлар ташкил килинди. Буларни янада мустахкамлаш керак.
6. Узбекистон бошка давлатлар билан алока киладиган янги давлат органлари ташки ишлари вазирлиги, ташки иктисодий алокалар вазирлиги ташки иктисодий фаолият Миллий банки ва бошкалар ташкил килинди. Давлатни мустахкамлаш учун буларнинг ролини янада ошириш куйилди.
7. Давлатни сиёсий тизимига кирувчи барча давлат органлари нодавлат ижтимоий уюшмалар ролини ошириш куйилди.
8. Демократияни ривожлантириш ва фукаролик жамияти асосларини ривожлантириш.
9. Коорупция ва жиноятчиликка карши кураш ва бошкалар.

**Адабиётлар:**

Каримов. И.А. Узбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Узбекистон”, 1998.
Каюмов.Р.К. Давлатнинг мохияти ва шакли. –Т.: 1999.

## 4. Мавзу <u>Давлат шакллари.</u>

1. **Давлат шакллари тушунчаси.**
2. **Давлат бошкарув шакли.**
3. **Давлат тузулиш шакли.**
4. **Сиёсий тартиб.**

1. <u>Давлат шакллари</u> – бу давлатни бошкариш учун давлат хокимиятини ташкил этиш, давлат тузилиши ва сиёсий тартибни амалга ошириш усулларидир.

Давлат шакли биринчи навбатда давлат хокимиятининг махаллий ва олий хокимият органларини тузилишидир. Давлатнинг бошкарув шакли бу – давлат хокимиятининг учта тармокка булинишидир.

1. Конун чикарувчи хокимият (Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси).
2. Ижро этувчи хокимият (Узбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Махкамаси).

Суд хокимияти (Узбекистон Республикаси Конститутциявий Суди, Олий Суди ва Олий хужалик суди).

Давлат шаклини иккинчи таркибий кисми бу давлатнинг тузилиш шаклидир. Бу жамиятнинг миллий, иктисодий ва маданий хусусиятларига богликдир. Тузилиш шакли буйича давлатларунитар, яъни оддий давлат тузулишига, федератив-мураккаб давлат тузулишига ва конфедератив давлат тузулиш шаклига эга булади. Давлат тузулиш шакли хар бир давлатнинг сиёсий ва маъмурий-худудий тузилишини бирлаштиради. Масалан: Узбекистон Республикасининг худудида яшовчи барча халкнинг тарихий ва миллий хусусиятлари хисобга олинган холда унинг маъмурий-худудий тузулиши вилоятлар, туманлар, шахарлар, шахарчалар, кишлоклар, овуллар ва Кораколпогистон Республикасидан иборат.

Давлат шаклини учинчи таркибий кисми – бу давлат хокимиятининг амалга ошириш усуллари киради. Бу нуктаи назардан жахондаги давлатлар икки усулга – демократик сиёсий тартиб ва нодемократик сиёсий тартибга булинади.

Юридик адабиётда олимлар уртасида давлат шакллари хакида турли фикрлар мавжуд. Баъзи бир олимлар давлат шаклларини – икки кисмдан, давлатнинг бошкариш ва тузулиш

шаклидан иборат дейди. Купчилик юристи олимлар жуда тугри давлат шаклларини уч кисмдан давлатнинг бошкариш, давлат тузулиши, давлат хокимиятини амалга ошириш усуллари сиёсий тартибдан иборат деб курсатади. Шуларни куриб чикамиз.

**2. <u>Давлат бошкарив шакли</u> –** бунда давлат хокимияти ва бошкарув роганларини ташкил топиш ва тузулиш тартиби белгиланади. Жахондаги барча давлатлар бошкарув шаклига кура монархия ва республика шаклида булади. Монархия – бу олий давлат хокимиятини бир шахснинг (монарх, подшо, император) кулида булади ва подшолик авлоддан-авлодга мерос килиб колдирадилар.

Монархия бошкариш давлат шакли уз навбатида иккига булинади. Чекланмаган мутлок (абсолют) монархия булади. Масалан, тарихда Рим кулдорлик давлати, Шарк деспотия Миср, Хитой кулдорлик давлатлари. Хозирги вактда чекланмаган монархия бошкариш давлат шаклига Иордания, Омон, Катар, Бирлашган араб амирлиги давлатлари мисол булади.

Чекланган монархияда – давлат тепасида турувчи монарх, подшонинг хокимияти бирон орган ёки конун билан чекланиб куйилади. Масалан, Буюк Британия, Швеция, Дания, норвегия ва бошкалар. Бу давлатларда монарх давлат бошлиги булиб, “ подшолик килади лекин давлатни бошкармайди”, давлатни хукумат бошкаради.

Чекланган монархия давлатлари уз навбатида дуалистик ва парламентар монархияга булинади. Дуалистик монархия давлатларига Саудия Арабистон, Кувайт давлатлари киради. Бу давлатларида хокимият подшо билан парламент уртасида таксимланган. Амалда давлатни подшо бошкаради. Подшо хукуматни узи тузади, у парламентни таркатиб юбориш хукукига эга. Парламентар монархия шаклидаги давлатларда – давлат бошлиги монархия, кирол, киролича, подшо, император булиб, амалда булар давлатни бошкармайди, уларнинг хукуки чекланган давлатни хукумат бошкаради. Масалан, Англия, Япония, Бельгия, Швеция ва бошкалар. Бу давлатларда давлат бошлиги монарх, киролича ва императорни роли катта булиб, улар давлатнинг олий вакили миллат бирлиги хисобланиб, давлат ишларини олиб боришда мамлакатда ва халкаро микёсда урни каттадир. Уларнинг давлатни бошкаришда хукуки чекланган. Амалда давлатни хукумат бошкаради.

Давлат бошкарувининг республика шаклида давлат хокимияти ва бошкаришнинг олий органлари маълум муддатга халк томонидан сайлаб куйилади. Республика хозирги дунёда кенг таркалган давлат бошкарув шакли булиб, ривожланган жахон давлатларида унинг уч куриниши бор; Президентлик республикаси, парламентар республика ва бошкарувнинг аралаш (дуалистик) президентлик республикаси шакли.

Президентлик республикаси шаклидаги давлатларга (АКШ, Лотин Америкаси) ва бошка бир канча ривожланган давлатлар киради.

Конун чикарувчи орган АКШда конгресс булиб, у икки панатдан, вакиллар ва сенатдан иборат булиб конунларни кабул килади. Давлат бошлиги булган Президент хукуматнинг хам бошлигидир. Ижро хокимияти парламентдан мустакил холда тузулади ва факат Президентга хисоб беради. Ижро хокимияти конунчилик ташаббусига эга эмас. Бош вазир лавозими бу давлатларда булмайди. Бу давлатларда Президент билан бирга Вице Президентлик лавозими мавжуд.

Парламентар Республика шаклидаги давлатларда Президент факат давлат бошлиги булиб, асосий уринни хукумат бошлиги эгаллайди. Президент бевосита халк томонидан эмас, балки сайловчилар коллегияси томонидан сайланади. Хукумат министрлар кенгаши олий орган парламент томонидан тузулади ва унинг олдида жавоб беради. Масалан, бундай давлатларга Германия, Хиндистон, Италия, Туркия ва бошка давлатлар киради. Бу давлатларда парламент хукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми бериш хукукига эга. Уни кабул килиш ёки килмаслик хукумат бошлигига боглик.

Бошкарувнинг аралаш (дуалистик президентлик республикаси) шакли. Бу давлатларда кучли ижроия хокимияти мавжуд булиб, Президент хам давлат бошлиги хам ижро этувчи хокимият бошлигидир. Уларда вице-президентлик лавозими булмасдан, бош вазир лавозими мавжуд булиб, хукумат конунчилик ташаббуси хукукиг эга. Бундай давлатларда Франция

мисол була олади. Франция Президенти ваколатларини амалга оширишда ёрдам берувчи махсус аппаратга эгадир. Масалан; Францияда у Елисой саройи Францияда Президент Конституцияси асосида миллий мустакиллик, худудий бутунлик ва барча хорижий давлатлар билан тузилган халкаро шартномаларга амал килишнинг мустахкам кафили булиб хисобланади.

**3. <u>ДАВЛАТ ТУЗИЛИШ ШАКЛИ</u> -** Бу хар бир давлатнинг сиёсий ва маъмурий-худудий тузилиши, давлват олий органлари билан махаллий органлар уртасидаги узаро муносабатлардир. Давлат тузилиши шакли буйича оддий , мураккаб ва конфедератив булади.

Унитар ёки оддий давлат тузилишитдан у маъмурий-худудий кисмларга булиниб, ягона олий органга, хукуматга, конститутцияга, фукороликка, узининг худудига, давлат чегарасига ва конунийликка эга булади. Масалан; Англия, Франция, Италия, Узбекистон, Украина, Козогистон давлат тузилиши шакли буйича унитар давлатдир.

Федератив давлат тузилиши бу тенг хукуий республикалар, мухториятлар, штатлар, кантонлар, вилоятлар ва округларнинг ихтиёрий бирлашувидан иборатдир. Масалан; АКШ. Аргентина, Бразилия, Австрия, Мексиуа, Германия, Хиндистон, Россия ва бошкалар. Федерацияга кирувчи давлатлар ихтиёрий равишда марказлашган давлатни ташкил килади. Федкрацияда барча аъзолар номидан мамлакат ички ва ташки сиёсатида ягона иш олиб боради ва уларнинг манфаатлари химоя килинади. Федератив давлат конститутциясида давлатнинг бошкаришидай ваколатлар федерация ваколатига, кандайлари унинг ахзоларига берилиши курсатилган. Собик Совет давлати Конститутцияга асосан Федератив давлат эди. Шуро давлати марказлашган, буйрукбозликка ва партия дик диктатурасига асосланган унитар давлат эди.

Конференция бир неча давлатларнинг мухим- иктисодий, мудофаа масалалари буйича иттифокидир. Конференцияда ягона давлат худуди ягона олий ва идора этувчи органлари булмайди. Хар бир конференцияга кирувчи давлат мухим масалалри буйича бошкариш хукукини конферецияга бериб, уларинг мустакиллигини саклаб колади. Масалан; АКШ, 1776-1787 йилларда конференция шаклида булган, 1952 йилда Миср ва Сурия давлатлари бирлашиб Бирлашган Араб Республикаси конференциясини тузади. Кейинчалик бу таркалиб кетади. 1982 йилда Гамбия ва Сенегал Республикалари бирлашиб Сенегамбия конференциясини тузди. 1989 йилда бу конференция хам таркалди.

**4. <u>СИЁСИЙ ТАРТИБ</u> -** Бу давлат хокмиятининг амалга ошириш усули йигиндисидир. Бу усуллар икки хил булади, демократик сиёсий тартиб ва нодемократик сиёсий тартиб, Демократик сиёсий тартибда давлатда фукороларнинг хукук ва бурчларини таъминлаш, халкни турли жамоат ташкилатларига бирлаштириш, давлат хокимият ва бошкарув органларини халк иштирокида сайлаш, давлатни бошкаришда кенг халк оммасини иштирок этиши ва бошкалар. Масалан; Узбекистон Республикасида давлат сиёсий тартиб буйича демократик асосда идора этилади. Демократик тартиб асосан икки хил усулда амалга оширилади.

1.Вакиллик демократия усули- бунда Узбекисон худудида яшовчи ахоли Олий Мажлисга вакил депутат сайлайди, давлат аахамиятига эга булган иктисодий, сиёсий ва хукукий масалаларни халкнинг вакили депутатлар сессиясида мухокама килиб, уларнинг кабул килиб, давлатни идора этишда халк уз вакиллари оркали катнашади.

2.Узбекистонда демократияни амалга оширишда, давлатни идора этишда халкнинг бевосита иштирокини таъминлайди, яъни давлат ахамиятига эга булган масалаларни халкнинг мухокамасига куяди, халк шу йул билан давлатни бошаришда иштирок этади.

Нодемократик сиёсий тартиб-демократик усулга карши булиб, тоталитар, авторитар ва фашистик шаклларда булади. Тоталитар тартибда давлат бошкаруви марказлашган ва буйрукбозлик асосида булади. Фукароларнинг хукук ва бурчлари таъминланади, барча давлат хокимияти ягона диктатура йулида булади. Масалан, собик, Совет давлати марказлашган партия диктатураси асосида бошкарилган. Шунинг учун бу давлат инкирозга учради.

Афторитор тартиб –бу конунларни амалга оширмайдиган, халк итоат килган давлат тепасида турувчи ,бир киши подшо, монорхнинг чекланмаган хокимиятидир.

Фошиистик тартиб-бу жамиятдаги барча демакратик эркинликларни тараккийпарваркучларни бостирадиган террористик диктатурадир. Бунда жамият хаётининг барча сохалари харбийлаштирилади. Бу хокимиятнинг асосий усули киргин ва зуровонликдир. Масалан, бу тартиб XX асрнинг иккинчи ярмида Германия, Италия, Испания, Португалия, Жанубий Африка Республикаси ва Чилаба урнатилади.

Юкорида баён этилганлардан куриниб турибдики, давлат шакллари уч кисмдан-давлат бошкариш, давлат тузилиши ва сиёсий тартибдан иборат. Булар хар бир давлатнинг иктисодий тузилиши жамиятдаги миллий муносабатларга караб белгиланиб, узгариб ривожланибтуради.

## 5. Мавзу ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ.

**1.Давлат функциясини тушунчаси. Давлат вазифаси ва функциясининг муносабатлари.**

**2.Давлат функциясининг турлари.**

**3.Давлат функциясини амалга ошириш усуллари ва шакллари.**

**1. Давлатнинг функцияси** - унинг олдида турган вазифаларини амалга оширишга каратилган давлат фолиятининг асосий йуналиши булиб, давлатни мохияти ва иштимоий белгиларини, жамиятни бошкариш учун давлатни максад ва вазифаларни амалга ошириш усул ва шаклларидир. Бу тарифдан куидаги давлат функциясининг белгилари келиб чикади.

1.Давлатнинг вазифаси яъний иктисодий, маданий, сиёсий ва бошкалар у амалга ошиpадиган асосий йулни белгилайди, барча фаолиятини шу вазифаларни бажаришга каратилади. Шунинг учун давлатнинг функциялари унинг вазифаларидан келиб чикади.

2.Давлат функциясида –унинг мохияти номоён болади. Функция оркали давлат мохияти, унинг жамияти билан муносабатлари куринади.

3.Давлат вазифаларини амалга ошириш учун функция оркали жамият бошкарилиб, у амалий ахамиятга эга булади.

4.Давлатнинг вазифа ва функциялари жамиятнинг иктисодий, синфий, миллий ва маданий тузилиши билан белгиланади.

5.Давлат функцияси оркали хар бир тарихий боскичида давлат бошкарилади. Давлат функцияси ички ва ташки функцияларга булинади. Ички функцияда -- давлатни ички вазифалари, ташки функцияда эса ташки вазифалари амалга оширилади.

6.Давлат функциясига хукукий шакллар давлатни хукук
ижодгарлик ва хукукни ижро этиш фолияти киради.

7. Давлат функцияси давлатни бошкаришда ва мажбур килиш усуллари оркали амалга оширилади.

Узбекистон давлатининг асосий вазифаси –жамиятдаги барча иштимоий гурух миллат, элат, гурух, табакалаарнинг манфаатлаарини ифодалаб, бозор иктисодий сиёсатига утиб, демакратик хукукий давлат куришдир. Давлатнинг ички сохада асосий вазифаси иктисодий, сиёсий, иктисодий ва маънавий сохада турли ислохатлар утказиб бозор иктисодини асосини яратишдир. Ташки вазифаси эса жахондаги барча давлатлар билан алока килиб, давлатни ташки сохасиадги вазифаларини амалга оширишдир. Давлат функцияси унинг ички сохадаги иктисодий, ижтимоий, маданий, маърифий, сиёсий ва ташки вазифаларидан келиб чикади.

**2. Давлат функциясининг турлари.** Давлат функцияси ички ва ташки турларга булинади. Ички функция канча кучли булса, ташки функция шунчалик кучли булади.

Давлатнинг ички функцияси унинг олдида туган мухим иктисодий ижтимоий маданий ва сийосий вазифаларни амалга oshiradi. Iqtisodiy soxada tashabbuskorlik va ishbilarmonlik asosida iqtisodni mustaxkamlab bosqichma-bosqich bozor siyosatiga o'tishda barcha mulk shaklini xuquqiy tengligini ta'minlash va quriqlash. Iqtisodni markazlashtirmaslik, korxona va tashkilotlarning mustahkamligini kengaytirish. Fuqarolarning mehnat qilish, dam olish, ishsizlarga oylik berish, ish xaqi, pensiyalar va nafaqalarning kafolatlangan eng kam miqdorini joriy qilish. Tabiiy boyliklardan keng foydalanish va atrof muxitni ximoya qilish kiradi.

Ijtimoiy va ma'naviy sohada amalga oshiradigan vazifalar-bu barcha insonparvarlik g'oyalariga amal qilishlik. Xalqning ma'naviy va axloqiy pokligini qayta tiklash. Xalqning milliy madaniyatini boyitish, ayniqsa davlat tili bo'lgan o'zbek tilini yanada rivojlantirish. Ijtimoiy adolat qoidalarini ruyobga chiqarish, aholining eng nochor qatlamlarini ijtimoiy himoya qilish va boshqalar.

Siyosiy sohada quyidagi vazifalarni amalga oshirish kerak. Xalqning milliy hususiyatlarini hisobga olib, barcha ijtimoiy guruhlar, millat va elatlarning manfatlariga mos keladigan O'zbekistonda drmokratik xuquqiy davlat qurish. Qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimyati vakolatlarini ajratish asosida milliy davlatchilikni yaratish, qonuniylik va xuquqiy tartibotni mustahkamlash. Bir mafkuradan voz kechish, turli mafkuralar bo'lishligi, demokratiyaning zarur sharti bo'lgan ko'ppartiyaviylikni rivojlantirish ( vatan taraqqiyoti, sotsial demokratik
"Adolat", milliy tiklanish, xalq demokratik va fidoiylar partiyasi ). Shu vazifalardan O'zbekiston Respublikasining ichki funksiyalari kelib chiqadi. Iqtisodiy funksiya, madaniy-ma'naviy tarbiyaviy funksiya, turli mulk shakllarini quriqlash va mustahkamlsh funksiyasi, moliya nazorat funksiyasi aholiga ijtimoiy himoya ko'rsatish funksiyasi, aholini ijtimoiy himoya qilish funksiyasi, tabiatni quriqlash va ekologik funksiya, qonuniylik va huquq tartibotini mustahkamlash funksiyasi, fuqarolarning xuquq, burch va erkinliklarini ta'minlash funksiyasi va davlatni idora etishda xalq ommasining ishtiroki va oshkoralik funksiyalari.

O'zbekiston Respublikasining tashqi vazifalariga mamlakatni boshqa davlatning hujumidan himoya qilish, tinchlikni mustahkamlash, turli ijtimoiy tuzumdagi davlatlar bilan tinch-totuv yashash, davlatni harbiy qudratini mustahkamlash ishlari kiradi. Davlatning shu vazifalaridan tashqi funksiyaning tubandagi elementlari kelib chiqadi. Turli davlatlar bilan tinch-totuv yashash funkfiyasi, horijiy davlatlar bilan hamkorlik qilish funksiyasi, mamlakatni boshqa davlatlar hujumidan himoya qilish funksiyasi, qorolli kuchlarni takomillashtirish, davlat chegaralarini qo'riqlash va jahondagi tinchlikni mustahkamlash ishlariga faol qatnashish funksiyalaridan iborat.

### 3. Davlat funksiyalarining amalga oshirish shakllari va usullari.

Davlat ichki va tashqi funksiyalarini quyidagi shakllar orqali amalga oshiradi: 1)Xuquqiy normal qabul qilish va ularni amalga oshirish orqali.2) Xuquqiy bo'lmagan ya'ni – tashkiliy shakllar orqali.

Davlat ichki vatashqi funksiyalarini xuquqiy normallar qabuk qilish va ularni amalga oshirish orqali bajaradi. O'zbekiston bozor iqtisodiga o'tish uning iqtisodiy bazasini yaratish va davlat vazifalrini bajarish uchun ko'pgina qonunlar qabul qildi. Chunonchi 1991 yil 19 noyabrda " Mulkni bozor tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish tug'risida " qonun, mulk haqida, banklar va bank faoliyati tug'risida qonun ( 15 fevral 1991 yil ), tadbirkorlik tug'risida xo'jalik jamiyatlari va shirkatlari tug'risida qonun (9 dekabr 1992 yil), qimmatli qog'ozlar va fond birjasi tug'risida qonun (2 sentyabr 1993 yil ), chet el investitsiyalari va chet ellik investorlar faoliyatining kafolatlari tug'risida qonun (5 may 1994 yil ) va boshqalar.

Davlatni tashqi funksiyalari ham tegishli qonunlar qabul qilish orqali amalga oshiriladi. Masalan, O'zbekiston davlatini mudofaa qilish vazifasini oshirish uchun O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida 4-bob tashqi siyosat deb belgilangan. Bundan tasghqari O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi tomonidan 1992 yil 3 iyulda "Umumiy harbiy majburiyat va harbiy hizmat tug'risida" qonun qabul qilingan. Bularga asosan armiyaga hizmat qilish, vatanni himoya qilish har bir fuqaroning burchidir.

1. Davlatning funksiyasini xuquqiy normallar qabul qilish va ularni amalga oshirish shakli quyidagi 3 ta xuquqiy usullardan iborat:

**2.** Huquqiy normallarni bajarish – ya’ni ijro etish usuli. O’zbekistonda davlat organlari , jamoat birlashmalari, mansabdor shaxslar va fuqarolar ish faoliyatida xuquqiy normallarni bajarib, ularga amal qilib davlatning ichki va tashqi funksiyalarni bajaradi. Masalan, O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 15-moddasiga asosan O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunning ustunligi so’zsiz tan olinadi. Unda davlat, uning organlari, mansabdor shahslar, jamoat birlashmalari, fuqarolar Konstitutsiya va qonunlarga muvofiq ish ko’radilar deb mustahkamlab qo’yilgan.

**3.** Xuquqiy normallar bilan jamiyatda kishilar o’rtasidagi ijtimoiy munosabatlarni tartibga solish usuli. Bu usulni amalga oshiruvchi davlatni mahsus xuquqni muxofaza qiluvchi organlari- sud, prokratura, ichki ishlar, adliya, milly havfsizlak organlari mavjud bo’lib, bo’lar xuquqiy normallar bilan davlat organlari, jamoat birlashmalari, mansabdor shaxslar va fuqarolar o’rtasidagi ijtimoy munosabatlarni tartibga solib davlat funksiyalarini amalga oshiradi.

Davlat funksiyalarini amalga oshirishni xuquqiy normallarni amalga oshirish bilan bog’liq bo’lmagan ya’ni tashkiliy shakllari. Bunda davlat vazifalarini ya’ni funksiyalarni turli yullar bilan amalga oshiriladi. Ya’ni davlat apparatini (davlat organlarini) ishini boshqarishda va takomillashtirishda davlatni idora etishda oshkoralik va demokratiya tamoyili, keng xalq ommasni xalqni boshqarishda boshqarishda ishtirok etishi, kadrlarni tanlash va joy-joyiga qo’yish, qonunchilik xuquqiy tartibotni mustahlamlash va hokazo.

Davlat funksiyalarini amalga oshirish usullari 2 xil bo’ladi.

1.Ishontirish usui-bu barcha davlat fuqarolarini tarbiyalash orqali davlat ishlarini kishilar ongli ongli ravishda amalga oshiradi. Bu usulda davlat kishilarni rag’batlantiradi, turli mukofotlar beradi. Majbur, qilish usulida intizom, ma’muriy, moddiy, jinoiy va javobgarliklar belgilanadi.

Demak davlat funksiyalarining malga oshirish shakl va usullar har bir davrda davlatning moxiyati va belgilari bilan belgilanadi.

## 6. Мавзу Davlat hokimyatining amalga oshirish mehanizmi

**1.Davlat hokimyatining mohiyati va asoslari.**
**2.Davlat hokimyatining tuzulishi va uning amalga oshirish usullari.**

**1.Davlat hokimyatining mohiyati va asosiy belgilari.** Davlat hokimyati-bu zurlikka asoslangan siyosiy hokimiyat bo’lib u jamiyatda turli millat va guruhlar o’rtasidagi iqtisodiy, siyosiy va madaniy sohalarga rahbarlik qilishni amalga oshiradi. Davlat hokimyati bu ijtimoiy hodisa bo’lib, u davlat hududida kishilar o’rtasida turli ijtimoiy munosabatlarni tartibga solib, uning vazifalarini amalga oshirib, davlatni ichki va tashqi hujumlardan himoya qiladi. Davlat vazifalarini amalga oshirishda xalqning irodasini xuquq va xuquqiy normallarda ifodalab, ularning bajarilishi barcha uchun umummajburiy bo’ladi. Bu normallar davlatning zurlik kuchi bilan amalga oshiriladi. Jamiyatda iqtisodiy, siyosiy va madaniy rahbarlik qilish jarayoni murakkab bo’lib davlat hokimyati davlat mehanizmi unga kiruvchi davlat apparati (davlat organlarining yigнndisi) va korxonalari orqali amalga oshiriladi.

Davlat hokimiyati munosabatlarining tuzilishi quyidagiklardan iborat: 1) Davlat hokimiyatining sub’ektlari (turli sinflar, millat, guruh, tabaqalar va fuqarolar). 2) Davlat hokimiyat munosabtlarining ob’ekti (xalqning birlashmalari, davlat organlari, tashkilot, muassasa va korxonalar).3) Davlat hokimiyat munosabatlarining mazmun-sub’ektlarini davlatni idora etish majburiy va ishontirish usullari.

Davlat hokimyati siyosiy hokimyat bo’lib, quyidagi belgilarga ega.

1. Дavlat hokimyati bu- zurlikka asoslangan bo’lib mahsus kishilar davlatni boshqarish bilan shug’ullanadi. Bu hokimiyat kishilar o’rtasida turli iqtisodiy, siyosiy, madaniy va ma’rifiy ijtimoiy munosabatlarni amalaga oshiradi.

2. Davlat hokimiyati davlat mehanizmidan iborat bo'lib, bu murakkab tuzulishga ega. Chunki bu mehanizm barcha davlat organlari muassasalari va korxonalarni o'zida birlashtiradi. Bular bir-biri bilan o'zviy bog'liq bo'lib, hokimiyatni amalga oshirib, davlat zurlik kuchiga asoslanadi.
3.Давлат механизмига кирувчи таркибий кисмлар –давлат органлари муассасалари ва корхоналари маъмурий ва худудий белгиларга караб тузилади.
4.Давлат механизмига кирувчи бу таркибий кисмлар уз аъзоларини – яъни фукароларнинг хукук ва бурчларини амалга оширади ва кафолатлайди.

Давлат хокимиятининг мохияти ва хусусиятлари унинг сиёсий ва синфий табиатида куринади. Шунинг учун юридик адабиётда "давлат хокимияти" ва "сиёсий хокимият" иборалари бир хил маънони билдиради. Давлат хокимияти-бу сиёсий ва синфий характерга эгадир. Унинг синфийлиги карама-карши синфларга булинган жамиятларга (кулдорлик, феодал) хосдир. Давлат хокимияти иктисодий ва сиёсий жихатдан хукмрон синф кулида эди. Давлат хокимияти – хукмрон синф кулдорлар, феодаллар манфаати учун хизмат килади.

Демократик жамиятда давлат хокимияти хукмрон синф манфаатларини ифодаламасдан, барча синф миллат, элат, табакалар ва халк манфаатлари учун хизмат килади.

Давлат хокимияти мохиятига кура демократик (халк хокимияти) ва гайри демократик хокимиятларга булинади. Демократик хокимият-бу халкнинг барча миллат, элат, табака ва гурухларнинг давлат ваколати органига депутат сайлаб, улар барча ишларни сессияда куриб, ишлар оркали уларнинг манфаатларини ифодалайди. Масалан, Узбекистон Республикаси – мустакил демократик хукукий давлатдир. Бу конституцияга асосан инсонпарварлик коидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий ахволи, сиёсий эътикодларидин катъи назар фукароларнинг хукуклари ва эркинликларини таъминлайдиган давлатдир. Узбекистонда Демократик хокимият асосида бозор иктисодига утилмокда. Президент И.А.Каримов курсатадики, Узбекистоннинг янгиланиш ва ривожлантиришнинг уз йули 4 та асосий негизига асосланади. Умуминсоний кадриятларга содиклик, халкимизнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш. Инсоннинг уз имкониятларини эркин намоён килиш ва ватанпарварлик.

Гайри демократик хокимият – бу бу озчиликнинг купчилик кишилар устидан хукмронлигидир. Бу хокимият жазолаш, мажбур килиш органларини кучайтиради. Фукароларнинг хукук ва эркинликларини чеклайди.

**2. Давлат хокимиятининг тузилиши ва унинг амалга ошириш усуллари.** Давлат хокимияти сиёсий хокимият булиб, унинг зурлик кучи билан давлат механизми оркали амалга оширилиб жамиятга рахбарлик килади. Давлат механизми-бу ддавлат аппаратидан, яъни давлат органларининг йигиндисидан, давлат муассасаларидан ва корхоналаридан иборат.

Давлат аппарати-бу давлат механизмининг бир кисми булиб, давлат органларининг йигиндисидир, булар давлат хокимиятини амалга ошириш учун хокимият ваколатига эга.

Муассасаларга эса олий укув юртлари, касаохоналар, кинотеатрлар ва бошкалар киради. Корхоналар эса махсулот ишлаб чикариш учун тузилади ва давлатнинг хужалик фаолиятини мустахкамлайди. Масалан, фермер ва тадбиркорлар хужалиги, турли фирмалар, концерилар, завод фабрикалар ва бошкалар. Давлат аппарати асосан конун чикарувчи хокимият, ижро этувчи хокимият (бошкарув органлари ва суд хокимияти, хукукни мухофаза килувчи) органлардан иборат.

Давлат органлари бир канча белгилардан иборат. Давлат номидан унинг вазифа ва функцияларини амалга оширади. Хокимият ваколатига эга, бу билан давлат корхоналари ва муассасаларидан фарк килади. Тегишли комнетенцияга яъни вазифа, функцияларга, хукук ва мажбуриятга эга. Маълум маъмурий тузилишига ва худудий фаолиятга эга конунга асосан ташкил топади ва юридик акт чикариб ишонтириш ва мажбурлаш чораларини куллайди.

Давлат хокимиятининг амалга ошириш усуллари икки хил булади. Ишотириш ва мажбурлаш усуллари, ишонтириш усулида давлат хокимияти максади, мохияти ва функцияларини кишиларнинг онги, эрки, ахлоки ва гоявий тушуниш асосида олиб боради. Бу усул жамиятдаги барча мафкуравий, ижтимоий-рухий крашлар хар бир фукаронинг шахсий ва купчилик жамоа онгини ривожланиши оркали олиб борилади. Жамиятда давлат хокимиятини амалга ошириш учун иккита мафкура мавжуд. Биринчиси, диний мафкура, бу диний маълумотга асосланади. Бунга асосан давлат хокимиятнини амалга оширишда диний карашларга асосланади. Иккинчиси, бу дунёвий мафкура давлат хокимиятини амалга оширишда жамиятдаги хукмрон назария, урф-одат ва ахлокий коидаларга асосланади. Масалан, келгусида фаровон комунистик жамият куриш, Америка намунасидаги гуллаган капиталистик жамият куриш хакидаги гояларни амалга ошириш учун жамиятдаги бир кисм ахоли давлат хокимиятидан фойдаланилмокда.

Мажбурлаш усулида давлат манфаатини амалга ошириш максадида давлат хокимияти томонидан кишиларга моддий, рухий ва жисмоний таъсир этади. Мажбурлаш усули хукукий ва нохукукий усуллар оркали амалга оширилади. Нохукукий усул – бу давлат хокимиятини амалга оширишда хукукий нормаларга амал килишликдир. Давлат хокимиятини амалга оширишлик учун конунийлик ва адолатли сиёсий усулни назорат килади. Конунийлик бузилган холда давлатни хукукни мухофаза килувчи органлари химоя килади. Давлат хокимиятини амалга оширишнинг хукукий усули демократик сиёсий тартибдаги давлатларда кафолатланган булиб, бу шу давлатда хукукий тизимнинг умумий тамойиллари билан, давлат худудида барча фукаролар учун ягона ва умумийлиги, давлатни зурлик кучи оркали амалга оширилиши, тарафларга хукук ва бурч белгиланиши билан белгиланади.

## 7. Мавзу Хукукнинг тушунчаси ва мохияти.

1. Хукукнинг тушунчаси ва белгилари.
2. Хукукнинг асосий тамойиллари.
3. Хукукнинг функциялари.
4. Хукукнинг мохияти хакида турли хил назариялар.

1.Хукук жамиятда норматив белгилар йигиндиси булиб инсоннинг озодлик ва адолат гояларига асосланган кишилар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, барчакишилар учун умуммажбурий булган турмуш коидаларининг йигиндисидир.

Жамиятда хукук куйидаги вазифаларни бажаради. 1) Кишилар уртасида турли иктисодий, сиёсий, маданий, маърифий ва бршка ижтимоий муносабатларни тартибга солади; 2) Хукукбузар шахсларга нисбатан давлат томонидан жавобгарлик белгиланар экан, бу билан янги муносабатларни химоя килади; 3) Хукук жамиятда кишилар уртасида хулк-атвор коидаларини мустахкамлайди; 4) Хукук кишиларнинг умуминсоний ахлокка карши хатти-харакатларини тугатишда мухим рол уйнайди.

Хукукнинг мохияти – бу жамиятда барча синф, миллат, гурухларга хизмат килишдир. Хукукга янгича ёндошиб, унинг мохиятини тугри тушуниш учун табиий ва позитив (ижобий) хукукка булиб урганамиз. Табиий хукук назариясининг асосчиси Голландиялик юрист олим Гуго Граций булиб. Унинг 1625 йилда ёзилган “Хукук хакида уруш ва тинчлик” китобига асосланиб берилган. Бу назарияга асосан табиий хукук инсонга табиат томонидан берилган булиб, бунга инсониятнинг турмуши ва яшаши хукуки, озодлик ва тинчлик хукуки, мулкка эгалик хукуки унинг хаёти ва соглигини жамият ва давлат томонидан куриклаш хукуклари киради. Бу табиий хукуклар Узбекистон Республикасининг Конституциясининг бир канча моддаларида мустахкамланган.

Масалан, яшаш хукуки хар бир инсоннинг узвий хукукидир. (24 модда). Хар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик хукукига эга (25 модда). Хусусий мулк ва бошка барча мулк шакллари тенг хукукли булиб, дахлсиз ва давлат химоясидадир.(53 модда).

Позитив (ижобий) хукукда давлат томонидан кабул килинган турли конунлар, карорлар, фармон, фармоишлар ва бошка норматив хукукий хужжатлар киради.

Хукукнинг хусусиятлари унинг куйидаги умумий ва махсус ижтимоий белгиларида куринади. Хукукнинг умумий белгилари куйидагилардан иборат:

1. Хукук норматив характерга эга, яъни у жамиятда кишиларни яшаш коидаларини белгилайди, узгартиради ва бекор килади. Шунинг учун хукук жамиятда кишилар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади.
2. Жамиятда хукук инсоннинг озодлик ва адолат тугрисидаги гояларини узида акс эттиради. Ижтимоий адолат тамойили хукук сохаларида ижтимоий муосабатларини тартибга солишда турли шаклда куринади. Масалан, мехнат хукукида фукаролар мехнат килиб, унинг сони ва сифатига краб иш хаки олишлиги. Фукаролик хукукида етказилган моддий зарарни ундирилиши. Ижтимоий таъминот хукукида-фукаролар мехнат стажи ва ойлик иш хакига караб пенсия олишлик.
3. Хукук давлат томонидан чикарилади ва унинг бажарилиши давлатнинг зурлик кучи билан амалга оширилади.
4. Хукук жамиятда кишиларнинг турмуш коидаларини тартибга солади. Хукукнинг бу хусусияти фукаролари хаётни барча сохаларида тенглик ва озодлигини таъминлайди.

Хукукнинг махсус белгилари куйидагилардан иборат:

1. Хукук иродасининг конунда кутарилган эркидир. Бу эркда уларнинг турмушини барча жабхасидаги фаолияти яъни иктисодий, сиёсий, маданий ва маърифий сохалари хукук оракали тартибга солиниб мустахкамланади.
2. Хукук ёзма равишда конунлар, карорлар, фармонлар ва бошка норматив хукукий хужжатлар шаклида давлат томонидан белгилаб куйилади.
3. Хукукни тартиб билан жойлаштирилиши. Давлат конституцияси, турли кодекслар, конунлар туплами бошкалар.
4. Хукукни динамикаси – яъни давлатни вазифасига караб узгариб туриши. Узбекистон бозор иктисодига утаётган вактда иктисодий, сиёсий, маърифий сохаларда ислохотлар утказилаётган вактда эски хукукий нормалар бекор килиниб, янгилари кабул килинади.

**<u>2. Хукукнинг асосий тамойиллари</u>** – бу куйидагилардан иборат:

1. Хукук барча халкнинг хокимиятини мустахкамлайди. Бу тамойил Узбекистон Республикасининг Конституцияси 7-моддасида белгиланган булиб, халк давлат хокимиятининг бирдан бир манбаидир. Узбекистон давлат хокимияти халк манфаатларини кузлаб ва Республика Конституцияси хамда унингасосида кабул килинган конунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади.
2. Мулкнинг турли шаклларини куриклаш ва мустахкамлаш Конституциянинг 53-моддасига асосан: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга каратилган Узбекистон иктисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг хукуки устунлигини хисобга олиб,иктисодий фаолият, тадбиркорлик ва мехнат килиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хукуклилигини ва хукукий жихатдан баб-баравар мухофаза этилишини кафолатлайди”.
3. Демократия тамойили. Хукук жамиятда барча кишиларнинг иродасини ифодалайди. Хукукий нормаларни мухофаза килиш, кабул килиш ва куллашда барча Узбекистонда яшайдиган халк уларнинг касби, жинси ва миллатидан катъий назар тенг катнашади.

4. Хукукнинг байналминал тамойили. Бу тамойил демократик Узбекистоннинг мохиятидан, унинг сиёсий тизимини байналминаллигидан, барча фукароларнинг конун билан тенглигидан келиб чикади. Конститутция нинг 18- моддасига биноан барча фукороларнинг насл-насабидан , ижтимоий ва мулкий холатидан, ирки ва миллатидан, тили ва дини, касби, яшаш жойи ва бошка холатларидан хамма сохаларида тенг хукуклилигини таъминлайди.
5. Конунийлик ва унинг устунлиги хам хукукнинг мухим тамойилидир. Конститутциянинг 15- моддасига биноат; “Узбекистон Республикасида унинг Конститутция ва конунларининг устунлиги сузсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фукоролар Конститутцияси ва конунларга мувофик иш курадилар.”
6. Хукукнинг инсонпарварлик тамойили, Узбекистонда барча хукук нормалари хар бир инсон тугрисида гамхурлик килади. Бу тамойил хукукбузарларга жазо куллаш, уларни кайта тарбиялаш ва тузатиш ишларини хам уз ичига олади.

## 3. ХУКУКНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.

Бу унинг фазифаларидан келиб чикади. Хукукнинг вазифаси давлатнинг иктисодий, сиёсий, маданий ва мафкуравий вазифаларини амалга оширади. У шулардан келиб чикадиган кишилар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Хукукнинг функциялари статистик ( мустахкамловчи) динамик (ривожлантирувчи), курикловчи (негатив) ва тарбиявий функцияларга булинади.. Статистик функцияда хукук кишилар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб мустахкамлайди. Масалан; кишилар уртасидаги карз ва олди сотди шартномалари, Хукук кишилар уртасидаги ижтимоий муносабатларни ривожлантириб тартибга солса бу хукукнинг диноамик функцияси булади. Масалан; Узбекистон Республикаси мехнат кодексининг 259 – моддасига асосан мехнат низоларининг хал килиниши. Укук кишилар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларни химоя килса-бу хукукнинг курикловчи (негатив) функцияси булади. Бунда хукукни турли сохаларида караб, ижтимоий муносабатлар химоя килинади. Турли хукукбузарликларнинг жамият учун етказган моддий ва маънавий окибатларига караб , интизомий, маъмурий, фукоролик, жиноий ва бошка жазо чоралари белгиланган. Булардан ташкари хукук тарбиявий функцияга эга. Хукук кишиларга гоявий таъсир курсатиб, уларнинг жамият учун зарарли булган харакат ва харакатсизликларини килмасликни тала килади. Агар фукоролар томонидан хукукбузарликлар содир этилса, уларга жазо чоралари белгилаб уларни тарбиялайди.

4. **Хукукнинг мохияти хакида турли назариялар**. Булардан табиий хукук назариясини юкорида куриб утдик. Яна бири бу теологик назария. Унинг вакиллари Аристотель, Аквинский ва бошкалар. Бу таълимот хукукнинг пайдо булиш ва мохиятини худога боглаб илохийлаштиради. Хукук фукороларга худо томонидан берилган, у абадий уни бажариш барча учун мажбурийдир.

Реалиятик хукук мактаби. Унинг вакиллари немис, олими Р.Червинг, рус олими Д.А.Муромцев, АКШ олимлари Д.Франк, К.Левиллин ва бошкалар. Бу назария хукук давлат томонидан кабул килинган ва барча учун умуммажбурий булган нормалар йигиндиси деб курсатилади.

Психологик хукук мактаби. Унинг вакиллари немис олими Л.Кнапп, Франциялик Г.Тард, рус олимлари Л.Петражицкий ва Каркунов булган. Бу таълимот хукукнинг пайдо булиши ва мохиятини инсоннинг психикасига боглаб, хукук - бу кишларнинг кечинмалари,

уйланиш фикрларидан иборат деб, хукукинг табиий ва позитивлигини унинг жамиятнинг моддий хаёти билан богликлигини тан олмайди.

Маркча-Ленинча хукукий назария материалистик таълимотга асосан ибтидоий жамоа тузуминингемирилиши билан хусусий мулк пайдо булиб, жамият карама-карши синфларга булиниши сабабли хукук пайдо булган.

## 8. Мавзу Хукукий онг.

**Режа:**

1. **Хукукий онг тушунчаси**
2. **Хукукий онг тартиби**
3. **Хукукий онгнинг функциялари ва вазифалари**
4. **Хукукий онг турлари**
5. **Хукукий онг ва хукукнинг узаро таъсири**
6. **Хукукий онг ва ижтимоий хукук фаолияти**
7. **Фукаорлик хукуки онгининг узгариши**
8. **Хукукий онги ва хукук маданияти**

1. Хукукшунослик фанида хозирга келиб хукукий онг ва хукукий тарбия назариясининг илмий асослари яратилган. Мазкур муоммолар буйича социологик тадкикотлар утказилди хукукий онг ижтимоий онг турларидан бири эканлиги, у хакидаги тушунча, унинг тузилиши, вазифалари ва шу каби масалалар умумий тарзда етарлича урганилади.

Хукукий онг ижтимоий онг шаклларидан биридир. У ижтимоий турмушда мавжуд булган, жамиятимизга хос турли-туман холатлар йигиндисини узида мужассамлаштиради.

Хукукий онг- хукукий хиссиётлар, туйгулар, гоялар, карашлар, бахолар, йул-йуриклар, тасаввурлар ва фукороларнинг Узбекистон Республикаига муносабатини курсатувчи, бу муносабат эса амалдаги хукукка, хукукий амалиётга, фукоролар хукуклари ва бурчларига нисбатан. Шунингдек, бошка орзу килинган хукукларга нисбатан булиши лозим холатлар тизимидир.

2. Хукукий онг таркибини урганишнинг асосий жихатлари, ижтимоий онг таркибини урганишда булганидек, гнесеологик ва социологик томонлардир, чунки, улар узаро фаркланcаларда, хар холда бир-бирларини инкор этмайди, аксинча тулдиради. Гносеологик ёндошилган хукукий онг, инъикос, жамиятни билиш шаклларидан бири сифатида, социологик ёндошилганда эса ижтимоий ходисалар унинг урни ва умуман, ижтимоий тараккиёт нуктаи назаридан урганилди.

Гнесеологик томонидан каратилган хукукий онг таркиби, мавжуд хукукий холат инъикосининг икки даражасидан ташкил топади: хукукий мафкура ва хукукий психология. Хукукий психология атрофимиздаги мавжуд хукукий холатини бевосита таъсирида шаклланади ва хукукий онгнинг дастлабки эмпирик боскичи хисобланади. Хукукий онгнинг худди шу боскичидан хукукий борликни идрок этиш билан бирламчи танишиш бошланади.

Хукукий психологиядан фаркли равишда, хукукий мафкура, хукукий онгнинг анча юкори илмий-назарий концепциялашган ва одамлар томонидан анча чукур идрок этиш боскичини ташкил килади.

Хукукий онгнинг гоявий ташкилланиш жараёни тупланган, муайян хис-туйгулар билан йугрилган материал асосида гоянинг узил-кесил номоён булиши, хукукий борлик хакидаги тасаввурнинг сайкалланиш холатлари кечади ва бу одамлар иродасиниг шакланишида катта урин тутади.

Хукукий мафкура ва хукукий психология, хукукий онгнинг турли элементлари сифатида узаро боглик ва бир-биридан келиб чикувчи ходисалардир. Шу билан бирга, улар анча фаркланади. Улар орасидаги асосий фарк ижтимоий борлик ва обьектив хукукий мухитни турлича ижтимоий воситалар: биринчиси-гоялар, назариялар ёрдамида. Иккинчиси-рухий хис туйгулар ёрдамида акс эттиришидагина эмас, мазкур акс этишининг турлича даражаси ва усулларидир. Агар, ижтимоий борликнинг хукукий мафкураси акс этиши илмий-назарий идрок, назарий билимлар ва конунчилик, хукук-тартибот. Конунийлик ва бошка хукукий холатларни бахолаш даражасида кечса, у холда бундай иньикос хукукий психологияда, даставвал оддий, кундалик турмуш идроки даражасида кечади. Шунинг учун хам хукукий гоялар мажмуаси хисобланади.

Биз кураётган йуналишда, хукукий мафкура хукукий тизим ривожини тавсифловчи, ички бирликга эга булган илмий карашлар, гоялар, назария ва таълимотлар сифатида каралади.

Хукукий психология эса хис, туйгу, кайфият ва бошка хукук психологияси таркибий кисмининг йигиндиси сифатида намоён булади. Улар ижтимоий хаётнинг турли хукукий жихатларини акс эттиради. Хукукий онгнинг бу икки таркибий кисми узаро боглик ва бир-бирини доимо тулдиради.

Хукукий онг тузилмасини социологик тахлил килиш ундаги уч таркибий кисм-билиш, бахолаш ва амалий хукукий онгни ажратиб курсатиш имконини беради.

Хукукшунос олимлар хукукий онгнинг функциялари масаласини хам куриб чикдилар ва хукукий онгнинг куйидаги гнесологик, бошкарув ва хукукий шакллантириш функцияларини курсатдилар.

## 3. Хукукий онгнинг функциялари ва вазифалари.

Хукукшунос олимлар хукукий онг функциялари масаласини хам куриб чикдилар ва хукукий онгнинг куйидаги гнесологик, бошкарув ва хукукий шакллантириш функцияларини курсатдилар.

Генсология функция обьектив борликдаги мавжуд хукукий холатларни билишни тасниф этади. Бошкарув-уз феъл-атворини хукук талаблари билан киёслаш воситасида уз хатти-харакатларини узлаштиришдир. Шакллантириш функцияси-уз хулкини, хатти-харакатларини шакллантиришдан иборат булиб, у жуда зарур. Айрим муаллифлар хукукий харакатлар орасидан хукукий онгнинг билиш, бахолаш ва бошкарув функцияларини ажратиб курсатадилар.

Хукукий онгнинг билиш вазифаси кема-кет пайдо булувчи рухий ходисалардан тузилган: биринчидан, у асосан сезиш. эшитиш ва куришдан тугилади; иккинчидан, кабул килиш, хотира, эсда саклаш, хотирадагиларни кайта тиклаш, таниш жараёнлари воситасида хукукка оид билимларни туплайди ва уларни хар хил хукукий тасаввурлар куринишида ифода этади; учинчидан, тафаккур. Олий даражадаги билиш жараёни хисобланиб. Хукукий гоялар, тушунча ва эътикодлар шунинг махсулидир.

Хукукий онгнинг узини бошкариш функцияси инсон мулжалларини окилона руёбга чикариш, хукукий онгнинг амалий томони хисобланиб, у ирода оркали амалга оширилади. У хукукий билимларни аниклаш, ички туйгулар билан мавжуд хукукий эътикодлар, мавжуд обьектив борлик, жамиятда амал килинаётган хукукий нормаларни мувофиклаштириш, максадни аниклаш, карор кабул килиш ва карорни ижро этиш кабиларни уз ичига олади.

Хукукий онгга тушаётган хукукий “ахборотларни кайта ишлаш” ва узлаштиришда инсон феъл –атворини бошкарувчи мураккаб механизмлар мухим урин эгаллайди, у уз манфаатини ангаш, максадни аниклаш, асослар тизими ва хохишни намоён этиш каби холатларни олади

## 4. Хукукий онг турлари.

Хукукий онг ураб турган хукукий мухитни , тугридан-тугри акс эттирайди, уни узига хос “ижтимоий-биологик фильтр”-инсон шахсиятининг мураккабликлари воситасида намоён этади. У уч таркибий кисмдан ташкил топган; биринчиси, шахснинг бутун рухий катламларининг узига хослиги; иккинчиси, инсоннинг хаётий тажрибалари; учинчичи. Одамнинг бевосита алока мухити.

Хукукий онг- мураккаб ижтимоий ходисалар, субьектлар назарда тутилганда (яъни, унинг ифодачилари) хукукий онг ижтимоий (оммавий, умумижтимоий), гурухий ва шахсий турларга булинади. Ижтимоий даражаси томонидан каралганда, хукукий онг, одатда. Кундалик оддий, илмий ва касбий турларга булинади.

Кундалик оддий хукукий онг, асосан одамларнинг бевосита хаётий шароитлари, уларнинг шахсий тажрибалари таъсирида шаклланади. Бунда рухий элементлар ( хис-туйгулар) асосий уринни эгаллайди. Илмий хукукий онг кенг ва чукур хукукий умумлашмалар асосида шаклланади. Касбий хукукий онг-юристлар хукукий онгидир, яъни махсус умумтаълим ёки амалий тайёргарликка эга булган одамлар уюшмасига оид, хукукий онгнинг бундай хилма-хилликлари шу билан фаркланадики, унинг ички рухий элементлари хукукий нормаларни амалда билиш ва уни куллай олиш кобилияти, малакаси билан чамбарчам богликдир.

Юридик соха ходимлари хукукий онгнинг хилма-хилликларидан бири сифатида, ички ишлар органлари ходимларининг касбий хукукий онгини курсатадилар. Бу хукукий билимлар, карашлар, тасаввур, курсатмалар, хиссиётлар ва бошка ички кечинмалар тизими булиб, улар жамоат тартибини саклаш, жиноят ва бошка хукукбузарликларнинг олдини олиш, очиш, фукоролар, корхоналар ва ташкилотлар мулкини, хукук, эркинликлари ва бошка конуний манфаатларини, йул харакати хавфсизлигини таъминлаш, ёнгин хавфидан саклаш, хукм килинганларни тузатиш ва кайта тарбиялаш оркали химоя килиш вазифаси билан шугулланадиган касб эгаларига хос.

## 5. Хукукий онг ва хукукнинг узаро таъсири.

Хукукий онг ва хулк-атвор уртасидаги конун нуктаи назаридан ахамиятга молик муносабат анча мураккаб.

Шу билан бирга одамлар феъл-атворининг шакланишида хукукий нормаларнинг катта ахамиятини унутмаслик лозим. Хукукий нормалари жамият ва шахс учун маъкул феъл-атворни белгилайди. Бирок бир мухим холатни назарда тутиш лозим;
Хукукий нормага нисбатан харакатга. Феъл-атворга якиндир.

Ижтимоий хаётни демократлаштириш ва хукукий давлат тузиш хукукий онгдан инсон феъл-атворини юридик ахамиятига молик йуналишда бошкаришда фойдаланишни такоза килади.

Биринчидан, хукукий онг факат фукоро томонидан юридик ахамиятга молик феъл-атвор максадини англашга кумаклашмайди. Шу билан бирга, у хукукий онгнинг асосий манбаи хам хисобланади. Бошкарув имкониятига кура, онгнинг бу куриниши билан факат онгнинг теран куриш шакли-маънавий онгни баравар куйиш мумкин.

Хукукий онг инсонга вазиятни хар томонлама мушохада килишга ёрдамлашади. Худди мана шу ерда онгнинг хукукий ёки нохукукий булакларга ажралишининг куз илгамайдиган жараёнлари содир булади.

Иккинчидан, хукукий онг инсонга юридик ахамиятга молик феъл-атворга эришиш воситаларини куриш ва мана шу фаразни воситалар орасидан муайян керагини танлашга кумаклашади.

Учинчидан. Шахснинг хукукий онги (маънавий ва сиёсий онги билан биргаликда) унга юридик ахамиятга молик феъл-атворга эришиш учун танланган йулнинг ижтимоий таъсирчанлигини ёки аксинча, таъсирчан эмаслигини бахолашда ёрдамлашади. Фукороларнинг ижтимоий-хукукий фаоллиги уларнинг хукукий масалаларини ечишда,

конунчилик ва хукук-тартиботни мустахкамлашда, хукукбузарликка карши туришда шахсан иштирокчи ва шу кабилар феъл-атворнинг юридик ахамиятга молик олий куриниши хисобланади.

Шундай килиб, ижтимоий хукукий фаолликнинг, бир-бири билан чамбарчас боглик икки кисмдан ташкил топганлиги куринади. Биринчи кисм-фукороларнинг жамиятда конунийлик ва хукук тартиботни саклашга булган доимий ички тайёргарлиги; иккинчи кисм-амалий ташабускорлик фаолияти.

## 6. Хукукий онг ва ижтимоий –хукукий фаоллик.

Шахс хукукий фаоллигининг мухим ички манбаи-ижобий ижтимоий-хукук йул-йурик хисобланади. Яъни жамиятдаги хукукий кадриятларнинг маънавий йуналишида булишидир. Оддийрок килиб айтилса. Инсонда ижобий ижтимоий-хукукий йул-йуриклар мавжуд булмаса ёки унинг урнини салбий хукукий йул-йуриклар эгаллаган булса. Унда хукукий онг йук (хали шаклланмаган. Шакли бузилган. Умуман бузилган). Ижтимоий-хукукий йул-йуриклар (курсатмалар)-хукукий онгга тизимлилик куринишини берувчи элементлардир. “Хукукни эгалланг” деб берилган йул-йурик шахс ёки ижтимоий гурух хукукий онгнинг мохиятан юрагини ташкил килади.

Ижтимоий –хукукий йул-йурик (курсатма) маълум маънода хукукий онгнинг хукукка хурмат томони билан мувофик келади. Бизнинг фикримизча, хукукка хурмат-ижобий ижтимоий-хукукий йул-йурикдир.

Конунни хурмат килишни таъминлашнинг асосий замини хар бир киши юриш-туришининг хукукка асосланганлигидир. Хар бир кишининг юриш туриши (феъл-атвори)ни хукукий жихатлдан бахолашда белгиланган хукукий тушунчалар ва курсатмалар нуктаи назаридан ёндошмок лозим.

Ижтимоий-хукукий йул йуриклар фукоролар феъл-атворига жиддий таъсир куратади.

Йул-йуриклар шахс идрокининг “хукук томон” ёки “хукукка зид” ёхуд “хукукни четлаб утиш” томон йуналганлигини куратади. Аммо у содир этган килмишларининг хукукий ёки хукукка зид мохиятини мутлоко белгиламайди. Муайян карорга келишга бошкакуплаб омиллар таъсир курсатиши мумкин.

## 7. Фукоролар хукукий онгининг узгариши.

Фукоролар хукукий онгининг деформацияси-бузиб курсатиш. Хукукий онгнинг бузилиши. Баъзи бир бирламчи. Бошлангич хукукка доир карашлар. Билимлар, йул-йуриклар захиралари мавжудлигини такоза килади. Улар турлича сабаблар таъсирида кандайдир бошка, хукукдан ташкари конструкцияга айланган ёки хукукий булиб, жуда оз ёхуд кисман колган. Албатта, одамларнинг хукукий онглари бузилиши натижасида жиноий онгга айланиши хам мумкин, аммо, бундай айланиш соф холида кам учрайи. Жиноий онг хукукнинг бирламчи гояларини жиддий инкор этувчи онгдир. Хар кандай бошка ижтимоий ходисалар сингари, хукукий онгнинг бузилиши уз келиб чикиши, мазмуни, шакли ва руёбга чикиш усулларига эга.

Хар бир шахс хукукий онгининг бузилишига оид бир неча кенг таркалган куйидаги шаклларни ажратиб курсатиш мумкин.

Биринчиси. Хукукий инфантилизм-хукукий онг бузилишининг енгил шакли, унда хукукий билимлар, йул-йуриклар шаклланмаган, оз булади. Фукоролар хукукий билимлари етишмовчилигидан ташкари, асосан. Хукукий билимлар яхлит тизими орасидан унинг мухим элементлари, аввало. Конунга. Бошка хукукий кадриятларга нисбатан ижобий муносаатлар тушиб колмокда.

Иккинчиси: Хукукий нигилизм-конун талабларининг онгли равишда рад этиш, аммо жиноий максаднинг йуклиги.

Хукукий нигилизм куринишларига. Хеч шубхасиз, ахоли уртасида кенг таркалиб булган ва урнашиб улгурган ходисалар сифатида караш керак. Баъзи олимлар хукукий нигилизмни шахснинг хукукка зид йуналиши тарзида бахолайдилар.

Конун талабларини инкор этиш яширин, очик куринишларда кечиши ва хар бири алохида холда турлича сабаблар билан изохланиши мумкин.

Учинчиси. Хукукий онг бузилишининг энг огир куриниши фавкулодда инсон онгининг бузилишидир. Бунда хавфли ходисани урганиш. Тадкикотчилик нуктаи назаридан жуда огирдир.

У холда хам, бу холда хам бошлангич хукук онгли равишда инкор этилади. Аммо, тажриба шуни курсатадики, инкор инкордан фарк килади. Хукукий нигилизмнинг соф куринишидан онгнинг айниши факат ижтимоий хавфлилиги билан эмас, балки далиллари, сабаблари билан фаркланади. Хукукий онгнинг айниши конунни онгли равишда, гараз, рахмсизлик, очкузлик сабаблари асосида инкор этишда куринади. Одамлар хукукий онги айнишининг асосий куриниши уларнинг турли жиноятлар содир этилишидир.

## 8. Хукукий онг ва хукукий маданият.

Хукукий онг-хукукий маданиятнинг мухим элементи. Хукукий онг шахс онгида, жамият гояларида намоён булган хукукдир. Хукукий онг хукукий ва конунийликка муносабатдаги эътикодлар, тасаввурлар, бахолар, хис-туйгулар ва маънавиятнинг бошка таркибий кисмлари тизимидир.

Хукукий онг хукукий маданиятнинг давлат ва жамиятнинг бошкарув таъсирига энг кам учраган элементидир. Тезлик билан янги конун кабул килиш, давлат органини тузиш мумкин, аммо инсоннинг хукукий онгини тезда узгартириб булмайди. Юксак хукукий онгни шакллантириш куп куч хамда вакт талаб килувчи кийин вазифа. Шунинг учун хам “Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш миллий дастур”ида барча хукук субьектларининг хукукий онги даражасини кутаришнинг бош максад килиб белгиланганлиги тасодиф эмас. Хукукий кадриятларни маънавий узлаштириш оддий инсоний маданият ва саводхонликнинг булиши такоза этади. У шахсни умумий тарбиялаш жараёнлари билан узвий богликдир.

9. Хукукий онг ва хукукий маданият.

Жамиятимиз хукукий онгининг даражаси кандай?

Ушбу масаланинг мухимлиги ва долзарблигига карамай, унга аник жавоб бера олмймиз. Гап шундаки, сунгги вактларгача ушбу йуналишда хеч кандай тадкикотлар амала оширилмаган. Айрим тоифадаги фукоролар ( судланганлар, вояга етмаганлар)нинг хукукка муносабатини тадкик этишга харакат китлинган, холос.

Билвосита белгилар ва айрим маълумотларга караб, хукукий онг даражасига тахминан куйидагича бахо бериш мумкин.

Биринчидан. Узбек халкига хос булган конунга, хукукка, хокимиятга булган хурматни хисобга олиш зарур. Узок кишлокдаги дехкон юрис-пруденциянинг нозик жихатларини билмаслиги, аммо хукукнинг кадрини ва мохиятини хакикий фукороча тушуниши, уни хурмат килиши мумкин. Буни ижобий маънодаги хукукий конформизм деб аташ мумкин.

Иккинчидан, хукукий онгнинг ахлок. Жамият анъаналари ва одатлари, халкнинг маънавияти билан чукур алокасини таъкидлаш зарур.

Уинчидан, кишиларнинг хукукий онгига уларнинг ижтимоий-хукукий фаоллигига караб гапириш мумкин. Жамият аъзоларининг махалла, мехнат жамоаси хаётида иштирок этиши, бошка ижтимоий фойдали алокаларнинг фаоллашуви хукукий маданият даражасининг усаётганлигидан далолат беради.

Туртинчидан, хукукий статистика жамият хукукий онгнинг ахволини бахолаш учун асос булиши мумкин. Жиноятчиликнинг даражаси, хукукни куллаш хужжатларнинг, фукоролик- хукукий битимларининг микдори тугрисидаги маълумотлар хам хукукий онгнинг сифат томонини курсатади.

Хукукий онгнинг юкорида баён этилган жихатларини хисобга олган холда тахлил килиш жамиятимиз маънавий хукукий гоялар, тасаввурлар, макадларни кабул килишга тайёрлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, айрим ижтимоий гурухлар вакиллари хукукий онгнинг жиддий равишда бузилганлиги яккол куриниб турибди. Хукукий нигилизм. Хукукка нисбатан истеъмолчилик муносабати жиноятчилар дунёсининг маданиятини белгилаб беради. Ёшларнинг бир кисмида хукукий кадриятларга нисбатан бефарклик кузатилмокда. Агар ёшлар хукукни билмасликларини номойиш килсалар, хукукбузарлар, одатда, узларининг хукукий жихатдан, айникса, жиноят хукук сохасида билимдонликларини курсатдилар. Бирок улар хам, булар хам нуксонли, паст даражадаги хукукий онгга эгадирлар.

Хукукий онг даражасини кутариш учун оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, укув юртлари. Хукукий мухофаза килувчи органлар хамда бошка давлат ва жамоат институтларининг хамкорлигидаги харакатлари зарур. Сунгги вактларда юксак хукукий онг факат шахс дунёкарашига комплекс ва максадга мувофик таъсир этишнинг натижаси булиши тушуниб етилди.

Хукукий онг тузилиши. Маълумки, хукукий онг икки таркибий кисмдан, яъни хукукий мафкура ва хукукий психологиядан иборат..Хукукий мафкура хукукнинг мохияти, ахамияти ва талаблари тугрисидаги гоялар. кадриятларни уз ичига олса. Хукукий психология хиссиётлар, кайфиятлар, кечинмалар, яъни хукукнинг эмоционал кабул килиниши билан боглик.

Ижтимоий хукукий онгдаги ушбу икки таркибий кисмнинг холатини тахлил килсак, уларнинг ривожланганлик даражаси бир хил эмаслигини курамиз. Агар хукукий мафкура жамиятда демократик давлатга хос булган гоялар ва кадриятлар муайян даражада шаклланганлиги билан белгиланса, хукукий психология инфантилликка мубтало булиб, унда хукукка нисбатан бефарклик ва менсимаслик сакланиб колган.

Криминология сохасидаги тадкикотлар жамиятнинг хукукий рухиятида жиддий камчиликлар борлигидан далолат бермокда. Мутахассистларнинг маълумотларига караганда, содир этилган харбир жиноятдан уртача 5-7 киши хабардор булади. Агар ушбу ракамни жиноятлар микдорига купайтирсак, кишини кувонтирмайдиган манзарага дуч келамиз. Минглаб кишилар жиноятга тайёргарлик курилаётганлигини ва улар содир этилаётганлигини билганлари холда уларни бефарк томоша килганлар.

Жамият ривожидаги янги ижтимоий-иктисодий вокеалар кундалик хукукий онгнинг бузилиши сабаблари ва шарт-шароитларини (хукукка нисбатан салбий ва истеъмолчилик муносабатлари, жамиятга карши хатти-харакат стереотипларининг шаклланишини) аниклашнинг зарурлигини такоза этади. Мазкур вазифани бажариш фаннинг, биринчи навбатда, хукукшуносликнинг энг мухим максадидир. Бизнингча, ушбу ходисаларнинг хаммасини тоталитар тузум меросига таалукли деб хисоблаш умкин эмас, бузилган хукукий онг манбаларини обьектив вокеликдан кидириш зарур.

Хукукий давлатдаги жамят ва шахс хукукий онгнинг мухим жихати, конунга хурмат, унинг кадрини шахс кадриятларининг энг юкори даражасига кутаришдан иборат. Хукукка, конунга хурматни оддий конунга итоаткорлик деб тасаввур этиб булмайди. У юкори даражадаги хукукий фаолликни талаб этади.

Айнан хукукий фаоллик, яъни шахснинг ижтимоийфаол ижобий хатти-харакати унинг хукукий онгининг, конунга хурматининг даражасини билдирувчи мухим курсатгичдир.

Конунга хурмат конундан, унинг одиллигидан коникиш хиссига, уз хатти-харакатларини хукук принциплари ва нормаларига ихтиёрий равишда буйсундирилишига асосланган ахлокий-хукукий категориялардир. Бошкача айтганда, шахс хукукий мажбуриятларини англанган бурч сифатида. Хукук ва мажбуриятлари бирлиги принципининг тимсоли сифатида кабул килинади.

Жамият хукукий онгини бахолашда жамоатчилик фикрини урганиш катта ёрдам беради. Афсуски, республикамизда хукук масалалари буйича жамоатчилик фикрининг мониторинги амалда утказилмайди, холбуки социологик тадкикотларнинг маълумотлари бутун жамиятдаги хамда айрим ижтимоий гурухлардаги хукукий онгнинг манзарасини аниклаштиришга ёрдам берган буларди. Шахс хукукий онгдаги ижобий мотивлар ва манфаатларга алохида эътибор бериш керак.

## 9. Мавзу <u>ХУКУК ИЖОДКОРЛИГИ</u>

1.Хукук ижодкорлиги тушунчаси.
2.Конун кабул килиш боскичлари.
3.Норматив хукукий хужжатларни вакт, худуд ва шахсга нисбатан харакат килиши.

**<u>1.Хукук ижодкорлиги тушунчаси.</u>** Жамиятда хукук нормаларининг яратилиши, давлатнинг ижодкорлик ёки хукукий ташаббускорлик фаолияти оркали амалга оширилади. Давлатнинг хукук ижодкорлик фаолияти-бу хукук нормаларини яратиш, узгартириш ва бекор килишга каратилган фаолиятидир. Бу фаолият натижасида яратган хукук нормалари турли норматив хукукий хужжатларда конун, карор, фармон, фармойиш ва бошкаларда ифодаланади. Норматив хукукий хужжатларни кабул килиш-яъни хукукий нормаларни яратиш куйидаги 2 боскичдан иборат.

Биринчи боскич норматив хукукий хужжатларни лойихасини тайёрлаш: а)шу хужжатни лойихасини тайёрлаш учун карор кабул килиш; б)лойихани тайёрлаш; в)лойихани мухокама килиш; г)лойиханинг камчиликларини тузатиш; д)лойихани кайта ишлаш.

Иккинчи боскич- норматив хукукий хужжатларни нашр этиш: а)лойихани ташаббускор давлат органларига мухокама килиш учун киритиш; б)лойихани ташаббускор органга мухокама килиш; в)норматив хукукий хужжатларни кабул килиш; г)унинг халкка эълон килиш (нашр этиш).

Давлатнинг хукук ижодкорлик фаолиятида норматив хукукий хужжатларнинг лойихасини тайёрлаш,халк уртасида мухокама килиш ва кабул килиб нашр этиш мухим масаладир. Узбекистонда бу иш билан Республика конун чикарувчи олий органи Олий Мажлис, давлат бошлиги Президент, Вазирлар Махкамаси ва бошка давлат органлари шугулланади. Жумладан Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чакирик XI сессиясида 1992йил 8 декабрдаги Мустакил Узбекистон Республикасининг янги Конституцияси кабул килинди. Шу куни Олий Кенгаш махсус карор билан Конституцияни кучга киритиб, Олий Кенгаш Раёсати Республика конунларини Конституцияга мослаштириш ишларини белгилаб берди.

Хозирги вактда Узбекистон давлатининг хукук ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда катта эътибор берилмокда: 1)Узбекистон Республикасининг янги Конституцияси асосида конунларни, хукук сохаларини ва кодексларни янгилаш; 2)мустакиллик билан боглик булган конунлар ва бошка норматив хукукий хужжатларни кабул килиш ва уларни нашр килиш; 3)амалдаги норматив хукукий хужжатларнинг бажарилишини таъминлаш; 4)уларнинг бузилишининг олдини олиш ва бузилганда белгиланган жазо чораларини куллаш.

Хукук ижодкорлигининг куйидаги турлари мавжуд:

1.Давлат органларининг хукук яратиш ижодкорлиги. Конституцияга асосан барча давлат органлари уз ваколати доирасида хукук ижодкорлигига эга булиб, улар турли норматив хукукий хужжатлар кабул килади. Узбекистон Республикасининг Конституциясининг83-моддасига асосан Олий Мажлис конунлар, карорлар ва бошка хужжатлар кабул килади. Олий мажлиснинг раиси фармойишлар чикаради. Вазирлар Махкамаси карорлар ва фармойишлар чикаради. Махаллий давлат хокимият вакиллик органлари жойларда-вилоятлар, туманлар ва шахарларда(туманга буйсунадиган шахарлардан, шунингдек шахар таркибига кирувчи туманлардан ташкари) хокимлар бошчилик киладиган халк депутатлари Кенгашлари карор ва фармойишлар, хокимлар эса карорлар чикаради.

**<u>2. Жамоат бирлашмаларининг хукук яратиш ижодкорлиги</u>**. Булар хам уз ваколат доирасида хукук ижодкорлигига эга булиб, тегишли норматив хукукий хужжатлар кабул киладию Масалан, Узбекистон Республикаси касаба уюшма федерацияси, Республика ёшлар иттифоки билан биргаликда кушма корхоналар кабул килади.

3.**Бевосита халкнинг хукук яратиш ижодкорлиги**. Узбекистон Республикасининг Конституциясини 9-моддасига асосан жамият ва давлат хаётининг энг мухим масалалари халк мухокамасига такдим этилади, умумий овозга куйилади. Бунинг утказиш тартиби конун билан белгиланади. Референдум халкнингхукук яратиш ижодкорлиги булиб унинг натижасида тегишли хукукийнормалар кабул килиниди. Узбекиистонда кейинги референдумОлий Мажлис ташаббуси билан Президент И.А.Каримов муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тугрисида утказилди. Узбекистон халки якдиллик билан бу ташаббусни куллаб овоз берди.

Демак, давлатнинг хукук ижодкорлик фаолияти мухим булиб, унда амалдаги конунларни вабошка нормативхукукий хужжатларни янгилаш, нашр этиш, эскирган хукук нормаларини бекор килиш, хукукдаги камчиликларни тулдириб жамиятда кишилар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларнингтартибга солиш уун хизмат ки лади.

**2.Конун кабул килиш боскичлари.**Давлатни хукук ижодкорлик фаолиятини асосини конунларни кабул килиш ташкил киладию Чунки конунлар барча норматив хужжатлар ичида биринчи уринда туради.Шунинг учун конунлар махсус тартибда кабул килинади. Конунни кабул килиш жараёни куйидаги 4 та боскичдан иборат:

1.Конун чикариш ташаббускорлиги – бу давлат органлари, жамоат бирлашмалари ёки фукороларнинг давлатни олий конун чикарувчиорганига янги конун чикаришга,амалдаги конунни тулдириш ёки бекор килиш хакида киритган таклифидир.Бу таклиф конун чикарувчи олий орган томонидан кабул килиш ва килмаслиги мухокама килинади.Узбекистон Республикасининг Конституциясини 82-моддасига асосан Олий Мажлисга Конун лойихаларии таклиф килиш конунчилик ташаббуси хукукига Узбекистон Республикаси Президенти уз давлат хокимиятининг олий органи оркали Кораколпогистон Республикаси,Олий Мажлиснинг депутатлари, республика Вазирлар Махкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хужалик суди, Бош Прокурори эгадирлар.

2.Конун лойихасини мухокама килиш.Бу икки хил булади Бирнчиси, энг мухим масалалар буйича конун лойихаси халк мухокамасига (референдумга) куйилади. Иккинчиси, конун лойихасини олий конун чикарувчи Узбекистон РеспубликасинингОлий мажлисини сессиясида мухокама килинади..

3.Конун кабул килиш боскичи.Конун лойихасини маькуллаб Олий Мажлис депутатларининг купчилиги овоз берса конун кабул килинади.

4.Конуни матбуотда эълон килиш боскичи. Конун кабул килингандан кейин, унинг матбуотда ёки Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномасида тегишли маъсул шахсларнинг имзоси билан эълон килинади.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисида кабул килинган конунлар, Олий Мажлис раисининг имзоси билан ёки мухум конунлар Президентнинг имзоси била н узбек ва рус тилида босиб чикарилади.

3.Норматив хукукий хужжатларни вакт, худуд ва шахсга нисбатан харакат килиши. Давлат норматив хукукий хуужжатлар кабул килгандан кейин, уни турмушга куллашнинг мухум талабларидан бири уларнинг харакат доирасини белгилашдир. Уларнинг кучга киритиш ва харакат доирасини белгилаш махсус карорлар билан курсатилади. Бунда норматив хукукий хужжатларнинг вакт буйича харакатда булиши, качон кабул килинган конун ва качон уз кучини йукотиш вакти белгиланади. Узбекистон Республикасида кабул килинган конун ва бошка норматив хукукий хужжатларни вакт буйича кучга киришишни куйидаги тартибда белгиланган;

1) Узбекистон Республикасининг конунлари “Узбекстон Республикасини Олий Мажлисининг Ахборотномаси”да газета, телевидения ва радиога эълон килингандан кейин 10 кундан кейин Республика худудида кучга киради. 2)Агар уларнинг матнида ёки махсус карор билан кучга киришиш муддати курсатилга булса, шу курсатилган вактдан бошлаб кучга киради. Масалан; Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январда “Жисмоний тарбия ва спорт тугрисида” конун кабул килди. Олий Кенгаш шу куни махсус карор чикариб, бу конун матбуотда эълон килинган кунидан болаб кучга киради деб курсатди. 3) Узбекистон

Республикасининг Олий Мажлисини кабул килган карорлари, Президент фармонлари, фармоишлари ва карорлари матбуотда эълон килинмасдан, улар амал килиш лозим булган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва тегишли шахсларга юборилса, бу холда улар олган вактдан бошлаб кучга киради. 4) Узбекистон Рнспубликаси Вазирлар Махкамасининг кабул килган карор ва фармоишлари, вазирликлар, давлат кумиталарининг буйрук, кулланмалари, йурикномалари, низомларнинг кучга кириш муддати агар уларнинг матнида курсатилган булса-ю шу курсатилагн муддати дан кучга киради. Агар корхона, муассасалар ва ташкилотларга юборилган булса, улар олган вактдан кучга киради. 5) махаллий хокимият органлари вилоят, шахар ва туман халк депуатлари кенгашларининг карор ва фармоишлари, уларни бошкарадиган хокимларнинг карорлари кабул килинганидан кейин уларнинг матнида кучга кириши курсатилган булса, шу курсатилган вактдан, курсатилган булмаса улар бу хужжатларни олгандан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва кишилар уртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Норматив хукуки хужжатларни худуд буйича харакат килиш, уларни шу давлат худудида харакат доирасини белгилайди. Узбекистон Республикасининг норматив хукукий хужжатлари унинг барча худудида-курикликда, сувда ва фазода харакат килади. Махаллий хокимят органларининг норматив хукукий хужжатлари, тегишли туман, шахар ва вилоятларнинг худудида харакат килади.

Норматив хукукий хужжатларнинг шахсга жисмоний шахс-фукаролар ва юридик шахсга нисбатан харакатда булишнинг асосий талаби давлвт органлари, жамоа бирлашмалари,мансабдор шахслар ва фукароларга нисбатан харакат доирасини белгилайди. Узбекистон конунлари ва бошка норматив хукукий хужжатлари унинг худудидаги барча фукароларга, давлат органлари, жамоа бирлашмаларига Узбекистон фукароси булмаган республикада яшамайдиган чет эл фукароларига нисбатан харакатда булади. Узбекистон республикаси худудид барча чет эл фукоролари барча чет эл фукоролари, дипломатик дахлсизликдан фойдаланувчи шахслардан ташкари, содир килган жинояти учун Республика жиноят кодексига асосан жиноий жавобгарликка тортилади. Чет эл худудидаа яшайдиган чет эл) фукароларининг унинг конунларига амал килиш, шу чет давлатлар билан тузилган шартномаларга асосан амалга оширилади. Бу курсатилган умумий коидалардан айрим истиснолар бор. Масалан, Узбекистон республикасида яшайдиган чет эл фукаролари судга мажбурий тартибда кургазма бериш учун келтирилган булса, аммо у депломатик дахлсизлик хукукидан фойдаланса улар улар депломатик йул билан хал килинади. Узбекистонда яшовчи барча чет эл фукоролари, дипломатик дахлсизликдан фойдаланквчи шахслардан ташкари, содир килган жинояти учун Республика жиноят кодексига асосан жиноий жавобгарликка тортилади. Чет эл худудида жиноят килган Узбекистон фукороси шу чет элнинг тегишли конунларига биноан жавобгарликка тортилади.

## 10. Мавзу ХУКУК НОРМАЛАРИ.

1. **Хукук нормаларининг тушунчаси, белгилари ва тузилиши.**
2. **Хукук нормаларининг турлари.**

1, Хукук нормаларининг тушунчаси, белгилари ва тузилиши. Хукук нормалари ( норма сузи лотинча булиб коидадир). Хар бир давлатнинг хукук тизими хукук нормаларидан, хукук институтларидан ва хукук сохаларидан иборат.

Хукук нормалари бу давлат томонидан чикарилган бажарилиши барча кишилар учун мажбурий булган, кишилар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи коидалар йигиндисидир. Хукук нормалари табиий хукук ва позитив хукуклардан иборат. Табиий хукук инсонга табиат томонидан берилади. Масалан, инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик хукклари, Прзитив хукук эса давлат томонидан кабул килинади. Хукук нормаси бу алохида олинган турмуш коидасидир. Масалан; Узбекистон Республикасида хукукнинг асосини Узбекистон Республикасининг Конститутцияси ташкил килади.

Конститутциянинг хар бир моддаси алохида олинганда хукукий нормадир. Хукук нормаларининг белгилари куйидагилардан иборат; 1) Хукук нормалари авлат томонидан урнатилади ва барча халкнинг конуний иродасини ифодалайди; 2) унинг мазмуни жамиятнинг икисодий тузилиши билан белгиланади; 3) уларнинг бажарилиши барча кишилар учун умуммажбурийдир; 4) давлатнинг зурлик кучи билан амалга оширилади. 5) кишилар уртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади.; 6) фукороларга хукук вабурч белгилайди. 7) узок муддат кулланилади ва талабга жавоб бермаса давлат ваколати органлари томонидан бекор килинади.; 8) ваколат берувчи, мажбур этувчи ва тулдирувчи характерда булишлиги;9) хукук тизимида конунлар, фармонлар,фармоишлар, карорлар ва бошка шаклда факат ёзма холда кабул килинади; 10) хукук нормалари бир-бири билан узвий боглик булиб, давлатнинг гона хукук тизимини ташкил килади.; 11) давлат томонидан кабул килинади ва курикланади, хукукбузарлик окиатига араб кабул килинади ва курикланади, хукукбузарлик окибатига караб турли жазо чоралари кулланилади.

Хар бир хукукий норманинг тузилиши 3 кисмдан ; гипотеза, диспозиция ва санкциядан иборатдир. Гипотеза (грекча фараз килишдир) хукукий норманинг биринчи кисми булиб, у кулланиладиган шарт-шароит вактни билдиради. Гипотезанинг икки тури мавжуд булиб, аникланган гипотеза ва тула аникланмаган гипотезадир Аникланган гипотеза хукукий нормада курсатилаган хукук ва мажбуриятларнинг пайдо булиши, узгариши ёки бекор булиши аник курсатилади. Тула аникланмаган гипотезада хукукий норманинг кучга кириши ва куллаш тартиби курсатилмайди.

Дипозиция (лотинча суз булиб, мазмун деган маънони билдиради. Бу хукук нормасининг иккинчи кисми булиб, унда хукук нормасининг мазмуни, куллаш тартиби ва хукукий муносабатда иштирок этувчи тарафларнин хукук ва бурчлари курсатилади;

Диспозициянинг куйидаги турлари бор; 1) императив (аник курсатилган) диспозиция-бунда хукукий норманинг матнида диспозиция аник курсатилади. Масалан; Узбекистон Республикаси Жкнинг махсус кисмидаги моддалар, 97-модда касддан одам улдириш,118-модда номусга тегиш, 164-модда боскинчилик ва бошкалар; 2) нисбий белгиланган диспозиция. Бунда хукукий норманинг мазмунини тарафлар аниклайди ва узгартиради. Жумладан Узбекистон Республикаси Мкнинг 228-моддасида хомиладор аёлларни, бола эмизувчи ва уч ёшга тулмаган боласи бор аёлларни уларни розилигисиз тунги ишларга, иш вактидан ташкари ишларга жалб килишга ва хизмат сафарига юборилмайди деб курсатилган; 3) диспозитив (кайта тикловчи) ёки ваколат берувчи диспозиция бунда хукукий норма томонларга уз хукук ва бурчларини белгилаб олиш ваколатини беради. Масалан, Узбекистон Республикаси Мкнинг 72- моддасида "Мехнат шартномаси ходим билан ишни мехнат тартибига буйсунган холда тарафлар келишуви, шунингдек мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатлар билан белгиланган шартлар асосида хак эвазига бажариш хакидаги келишувлар" "еб курсатилган; 4) бланкет дипозицияси - –унда хукукий нормалар тегишли органга хулк атвор коидасини белгилаш хукукини беради. Жумладан; Узбекистон Рнспубликаси Мкнинг "Мехнат хакининг микдорини иш берувчи билан ходим уртасидаги келишувга асосан белгиланади. Мехнат хаки конун хужжатлари билан белгиланган энг кам микдордан оз булиши мумкин эмас ва унинг эег куп микдори бирон-бир тарзда чекланмайди" деб курсатилган. Булардан ташкари хукукий норма диспозициясининг хавола килувчи, тула аникланмаган ва аникланган диспозиция турлари мавжуд.

Хукук нормасининг учинчи кисми санкциядинр (санкция-лотинча чора дегани)

Санкцияда хукук нормалари талабларига риоя килмаслик натижасида давлат томонидан кулланиладиган мажбурий чорадир. Санкция хукук нормасининг юридик кучини барча фукоролар учун мажбурийлигини ифодалайди. Санкциялар хукук нормаларининг характерига караб интизомий, маъмурий, фукоролик, миноий=хукукий ва бошка санкцияларга. Ходимлар мехнат интизомини бузганлик учун иш берувчи интизомий жазо чораларини куллайди. Маъмурий хукукбузарлик содир килганда УзРМЖТКнинг курсатилган жазо чораларини беради. Жиноят содир килганда УзРЖКда белгиланган жазо чоралари

кулланилади. Фукоролик хукук нормалари бузилганда етказилган зарарни ундириш, тузилган шартнома ва битимларни конунсиз деб топиш чоралари белгиланган.

**Санкциялар** хукук нормаларининг ифодаланишига караб куйидаги уч турга булинади; Нисбий белгиланган санкциялар (масалан,6 ойдан 25 йилгача озодликдан махрум килиш), абсолют (мутлок) белгиланган санкция (70000 сум жарима), альтернативсанкция (масалан, моддада ё озодликадан махрум килиш ёки камок ижазоси белгиланган), Битта юридик моддада хукукий норма тузилишининг учала кисми булмаслиги мумкин. Модда билан хукук нормаси уртасида фарк бор. Чунки хукук нормасининг тузилиши деганда бу уч кисмнинг каерда ва кай даражада ифода этилишидан катъий назар, улар уртасидаги мантикий богланиш ва унинг мазмуни тушинилади.

Хукук нормасинин мантикий тузилиши бу обьектив ходисадир. Чунки хар бир хукк нормаси кишилар уртасида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун тегишли коидаларни белгилаб уларни кишилардан бажарилишини талаб килади.. Хукук нормасининг тузилиши уч кисмдан-гипотеза,, диспозиция ва ванкциядан ташкил топиши амалий ишда ишловчи хукукшунос ходимларни барча харакатдаги норматив хукукий хужжатларни атрофлича анализ килишни талаб этади, конун ва хукукий норматиф хужжатларни хаётга кулла учун мавжуд булган шароитни, унинг мазмунини билишни ва уларга риоя килинмаса хаётда ишлар нотугри хал килинади.

2. Хукук нормаларининг турлари. Жамиятда ижтимоий хаётнинг барча тамоилларини тартибга солувчи хукук нормалари куидаги белгиларга асосан турларга булинади.

Биринчидан, хукук нурмалари жамиятда кишилар уртасидаги ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш предмети ва усулига караб, турли хукук сохаларига булинади.Масалан,Конституциявий хукук нормаси,маъмурийхукук нормаси,фукоролик хукук нормаси,жиноят хукук нормаси,мехнат хукук нормаси,молия хукук нормаси ва бошкалар.

Иккинчидан,хукук нормалари кайси давлат органи чикаришига яни субъектга караб конунларга (давлат Конститутцияси ва жорий конунлар) ва конун ости актларига (фармон, карор, фармоиш ва бошкалар) ажратилади. Узбекистон Рнспубликаси конун чикарувчи олий орган Узбекистон Республикаси Олий Олий Мажлиси булиб, у факат коунун кабул килади. Узбекистон Республикаси Президенти давлат ва ижро этувчи хокимият бошлиги будиб, карорлар, фармонлар ва фармоишлар кабул килади. Узбекистон Республикасининг турли вазирликлари, бошкармалм давлат кумиталари буйрук кулланма, йурикнома ва низомлар, вилоят, шахар ва туман депутатлари Кенгашлари карор ва фармоишлар, уларнинг бошкарувидаги хокимлар эса карорлар чикаради.

Учинчидан, хукук нормалари махзмунига кура кишиларнинг мажбур этувчи, ман этувчи ва ваколат берувчи нормаларга булинади. Мажбур этувчи хукук нормалари бу нормаларнинг бажапишга мажбур этади. Масалан; УзР оила Коексининг 39-моддасига асосан "Хотинининг хомиладорлиги актида ва бола тугилгандан кейин бир йил мобайнида эр-хотининг розилигисиз никохдан ажратиш тугрисида иш кузгатишга хакли эмас", деб курсатилган. Ман этувчи хукук нормалари кишилардан хукук нормасида курсатилган коидаларни ман этади. Жумладан, УзР Жкнинг 50-моддасига асосан, айблонувчи суддан химоячини талаб килишга хакли, суд унга химоячи тайинлашга мажбур. Ваколат берувчи хукук нормалари кишиларга тегишли ваколатлар беради. УзФКниг 164- моддасига биноан, мулк эгасига конун асосида мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуклапри берилган.

Туртинчидан, хукукий нормалар уларда баён этилган коидаларнинг мазмуни ва характерига караб катъий (императив) ва диспозитив (тулдирувчи) хукук нормаларида хукукий коиданинг талаби катъий тарзда ифодаланади. Масалан; УзхФКнинг 23-моддасида "Фукороларнинг хукук лаёкати ёки муомила лаёкатидаг тула ёки кисман воз кечиш ва хукук лаёкати ёки муомила лаёкатини чеклашга каратилган бошка битимлар уз-узидан хакикий жмасдир", деб курсатилган. Диспозитив ( тулдирувчи) хукук нормаларида тарафлар келишб уз хукук ва бурчларини хал килади. Масалан, УзР Фкнинг 547-моддасида, агар конун хужжатлари ёки

шартномада бошкача тартибда назарда тутилмаган булмаса , ижарага берувчи жарага топширилган мол-мулкни уз хисобидан каритал таъмирлаши шарт дейилган.

Бешинчидан, хукук нормлари хакикат килиш вактига караб доимий ва вактинчалик нормаларга булинади. Доимий хукук нормалари деганда, харакатда булган барча хукук нормалари ваколатли давлат органи расман бекор килингунша кадар амалда булган хукук нормаларига айтилади. Вактинчалик хукук нормалари уруш вактида, табиий офатлар ёки махсус масалалар буйича кабул килинган нормалардир.

Олтинчидан, хукук нормалари харакат этиш жойига караб Узбекистон Республикаси ва махаллий жойлар худудида амал килувчи хукукий нормаларга булинади.

Еттинчидан, хукук нормалари ижтимоий муносабатларни мустахкамлашга караб, регульятив (тартибга солувчи) ва изтимоий муносабатларникурикловчи нормаларга булинади. Регульятив нормаларга ижтимоий муносабат иштирокчиларига хукук ва бурч берувчи хукук нормалари киради. Ижтимоий муносабатларни курикловчи нормаларга хукукий жавобгарлик ва субьектив хукукларни химоя килувчи хукук нормалари киради. Бунга Узбекистон Республикаси жиноят хукук нормалари киради.

## 11. **Мавзу** **<u>ХУКУКНИНГ ШАКЛЛАРИ.</u>**

1. **Хукук шаклларининг тушунчаси.**
2. **Норматив хукукий актлар ва унинг турлари**.

1.**<u>Хукук шаклларининг тушунчаси.</u>** Юридик адабиётда хукук шакли ибораси хукук манбаи ибораси билан бир маънода ишлатилади. Шакл бу хукукнинг мазмун билан боглик булган, униг тузилишидир. Хукук шкли бу жамиятдаги барча синф, миллат,элат ва халкнинг иродасини конун даражасига кутариш усулидир. Хукук манбаи ибораси хукук шаклини билдирмасдан билки жамият модди маънода жамиятнинг иктисодий муносабатларини тартибга солади, иктисодий муносабатларга ишлаб чикариш муносабатлари ишлаб чикариш кучларр, ишлаб чикариш куроллари, хужалик иктисодий тизими ва мулк шакллари киради. Хукукнинг гоявий мазмунида хукукий онг тушунилади. Хукукий онг жамиятда кишиларнинг хукукий маданиятни уз ичига олади. Хукук манбаи юридик маънода конун ва барча хукукий нормаларнинг ички ва ташки тузилишини билдиради. Хукук шаклинин ифодасини эса, давлат эркининг хамма фукоролар учун мажбурийлик усулига караб белгиланади.

Хукукий шакл бу жамиятдаги турли синф, миллат, элат, табакалар ва халкнинг конуний эркини ифдаловчи усулидир. Бу эрк давлат органлари томонидан, унинг мажбурлаш кучи оркали конунлар, карорлан, фармоишлар ва бошка норматив актлар шаклида кабул килинади. Буларнинг бажариш барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фукоролар учун мажбурийдир.

Хукукнинг учта тарихий шакли мавжуд.

Хукукий одат, суд ёки маъмурий процент ва норматив хукукий актлар.

Хукукий одат бу жамиятда яхши одат норикмаларини давлат томонидан санкция бериб, хукукий нормалар сифатида кабул килишдир. Хукукий одат бу хукукнинг биринчитарихий шакли булиб, кулдорлик ва феодал давлатларида мавжуд булган. Масалан, бу далатларнинг хукукий одатларидан то хозиргача бизга етиб келган Х!! Жадвал конуни, Ману конуни, Драконт конуни, Рус правдаси(хакикати) ва бошкалар. Хукукий одат бу диний нормалар билан богликдир. Шунинг учун хозирги мусулмон, Хиндистон, Африка давлатлари хукук тизимида хукукий одат кам ишлаьтлади. Масалан; УзРнинг Оила кодексини 8-моддасида конун хужжатларида оилавий иуносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар булмаган такдирда, Узрнинг конун хужжатлари тамоийларига зид булмаган махаллий урф-одат ва анъаналар кулланилишини курсатилган

Суд ёки маъмурий прецент-бу аввал суд ёки маъмурий органлар курган ишларга караб, тегишли ишларни хал килишдир. Хукукнинг бу шакли хозирги вактда Англия хукук тизимида

ишлатилади. Узбекистон хукук тизимида суд ёки маъмурий прецент ишлатилмайди. Хукукнинг учинчи шакли-бу норматив хукукий актлар булиб, хозирги замон давлатларининг хукук тизимида кенг ишлатилади.

2.Норматив_хукукий_актлар_ва_уларнинг_турлари. Норматив хукукий актлар-бу жамиятда кишиларнинг турмуш коидаларини белгилайди, узгартиради ва бекор килади. Узбекистонда норматив хукукий актларда барча халкнинг эрки конун даражасига кутарилади. Буларнинг бажариш барча кишилар учун умуммажбурийдир. Норматив хукукий актларга Узбекистон Республикасининг Конституцияси, турли конунлар, кодекслар, фармонлар, низомлар, карор ва фармойишлар киради.

Норматив хукукий актларнинг белгилари куйидагилардан иборат:

1. Норматив хукукий актлар янги хукукий нормалар урнатилади, амалдагиси узгартирилади ёки бекор килинади. Шунинг учун норматив хукукий актлар хукукий муносабатларда иштирок этувчи тарафларга хукук ва бурч белгилайди. Буларга амал килинмаса давлат томонидан жазо чоралари белгиланади. Норматив хукукий актларни турмушда куллаб, улар билан кишилар уртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда шахсий ахамиятга эга булган хукукий актлар пайдо булади. Масалан, суд карори, суд хукми, квартира олиш учун ордер, нафака тайинлаш хакидаги карор ва бошкалар.

2. Норматив хукукий актлар расмий давлат хужжати сифатида расмийлаштирилиб конун, фармон, карор деб номланиб, кабул килган давлат органи (парламент, президент, хукумат, махаллий хокимият органлари курсатилади).

3. Норматив хукукий актларда мажбурий булган хукук нормалари гурухларга караб тузилади. Масалан,. Конституция ва кодексларнинг булимлари, боблари ва моддалари.

4. Норматив хукукий актлар юридик кучига, мазмуни, хажми, характери, харакат килиш доираси ва кайси давлат органи чикарганига караб классификация килинади. Норматив хукукий актлар юридик кучига караб конун ва конун асосида чикарилган актларга булинади. Хажми ва характерига караб давлат хукукига, харакат килувчи умумий чекланган, фавкулодда холат (табиий офат, харбий холатлар сабабли) норматив хукукий актларга булинади.

Курамизки норматив хукукий актларга, давлат конституцияси, турли конунлар, кодекслар, карорлар, буйруклар, йурикномалар ва низомлар киради. Конунлар хозирги замон давлатлар норматив хукукий актлар ичида энг мухим урин эгаллайди. Конун энг мухим жамият ва давлат тузилишини хукукий асосларини тартибга солади.

Конун давлат хокимиятининг олий органи томонидан чикарилган олий юридик кучга эга булган, жамиятдаги барча миллат, элатларнинг ва халкнинг манфаатларини ифодалаган, улар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи турмуш коидалариниг йигиндисидир. Конуннинг белгилари куйиагилардан иборат; 1) давлар хъокимиятининг олий вакиллик органи томонидан чикарилиши. 2) Конуннинг олий юридик кучга эгалиги; 3) унинг норматив хукукий характерга эга булиши; 4) конунда жамиятдаги барча миллат, элат, табака ва халкнинг эрк-иродаси ифода этилади; 5) конун кишилар уртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш;

Конун Узбекистонинг мустакиллигини таъминлашшда, бозор иктисодиётига утиш, турли мулк шаклларини мустахкамлашда мухим роль уйнайди. Хозирги вактда давлат курилиши, иктисодий, ижтимоий ва бошка сохаларга таълукли ислох килишнинг хукукий асосларини яратувчи бир кагча конунлар кабул килади.

Жумладан, уларнинг асосийлари; давлат курилиш сохасида сайлов тизими. Конститутциявий суд, Олий мажлис, Президент, Вазирлар Махкамаси, Олий суд, Прокуратура, Ички Ишлар органлари, махаллий бошкарув тугрисидаги конунлар. Иктисодий сохада мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва банк фаолияти, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган соликлар, ташки иктисодий фаолият, чет эл инвенциялари валюта тартибга солиш тугрисидаги ва бошка конунлар. Ижтимоий сохада-оналик ва олаликни химоя килиш, кам таъминланган фукороларга ижтимоий ёрдам курсатиш, нафака билан таъминлаш ва бошка конунлар. Бу конунлар назария ва хаёт билан болик булиб,

кишилар уртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Конунни бажариш бозор муносабатларига утишнинг барча амал киладиган коидаларидан биридир.

Узбекистон Ресрубликасининг Конституциясига асосан давлат органлари норматив хукукий хукукий актлар кабул килиш тартиби куйидагича белгиланган:

1.Узбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий ваклик органи булиб, конун чикарувчи хокимиятни амалга оширади. У конунлар ва карорлар кабул килади.

2. Узбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чикаради.

3.Узбекистон республикасининг Президенти давлат ва ижро этувчи хокимият бошлиги булиб, норматив характердаги фармонлар, карорлар ва фармойишлар чикаради.

4. Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси хукумати карорлар ва фармойишлар чикаради.

5.Узбекистон Республикасининг турли вазирликлар, давлат кумиталари ва муассасалари буйруклар, кулланмалар, йурикномалар ва низомлар кабул килади.

6.Вилоят, туман ва шахар хокимлари карорлар чикаради.

7.Махаллий давлат хокимият органлари жойлардаги вилоятлар, туманлар ва шахарлардаги халк депутатлари Кенгашлари карор ва фармойишлар чикаради.

Шундай килиб, курамизки норматив хукукий актлар куйидаги шакллардан иборат: Конституцион конунлар, даврий конунлар, карорлар, норматив фармонлар, фармойишлар, буйруклар, кулланмалар, йурикномалар, низомлар ва кодекслар.